БҮТҮН ДҮН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 180

19 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Пахтакорлар ўртасида оммавий агитация ишларини янада кучайтирайлик

Областимиз пахтакорлари бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб беришдек юксак мажбурият олганлар. Бу мажбуриятни тўла бажариш учун барча моддий имкониятлар мавжуддир. Пахтакорларимиз, механизаторларимиз ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг йил бўйи қилган фидокорона меҳнатлари туфайли областимиз далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилди. Социалистик давлат колхоз ва совхозларимизни энг янги ва мукаммал техника блан етарли даражада та'мин этди. Энди муваффақият меҳнатни тўғри ташкил этишга, йиғим-терим ишларига партия ташкилотларининг аниқ ва оператив раҳбарлик қилишларига, барча колхозчилар, механизаторлар, совхоз ишчиларини ҳосилни сра нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга тўла сафарбар этишга бағишлаймиз.

Пахтакорларимиз олдидаги жуда катта сиёсий хўжалик аҳамиятига эга бўлган бу вазифани адо этишда оммавий агитациянинг зўр сафарбар этучи кучидан ҳартарафлама фойдаланиш зарур. КПСС Марказий Комитети ўзининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорларида ҳозирги даврда колхозчилар ва барча қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида олиб бориладиган оммавий агитация ишларининг конкрет программасини белгилаб берди.

Оммавий-агитация ишлари ва барча тарбиявий ишлар бевосита ишлабчиқаришда олиб борилиши керак. Меҳнаткашлар орасида ўтказиладиган барча оммавий тадбирлар вақтида айрим коллективларнигина эмас, балки энг муҳими, айрим кишиларни ҳам асло эсдан чиқармаслик керак. Коммунистик жамият қуручилар бўлган совет кишиларида юксак ма'навий сифатларни тарбиялаб етиштиришда якка тарбия усулидан жуда кенг равишда фойдаланиш — барча партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Партия ташкилотларимиз пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган ҳозирги кунларда оммавий агитация ҳамда барча тарбиявий ишларни шундай йўлга қўйишлари керакки, токи ҳарбир колхозчи ва совхоз ишчиси, ҳарбир механизатор ва мутахассис ўзи адо этаётган ишни бутун халқимиз бажараётган буюк ишнинг зарурий қисми эканлигини тўла ҳис қилсин. Ҳозир агитаторларимизнинг ўрни ишнинг муваффақияти ҳал қилинаётган жойда: дала шийпонларида, хирмонларда, далачилик ва транспорт бригадаларида, тайёрлаш пунктларидадир.

Оммавий-агитация ишларининг зўр та'сир кучига тўла баҳо бераётган ва ундан тўғри ҳамда кенг фойдаланаётган партия ташкилотлари областимизда анчагина топилади. Ховос районидаги Молотов номли колхознинг партия ташкилоти оммавий-агитация ишларини худди ана шу вазифаларга мослаб тўғри ташкил этаолган. Колхоз агитатори Суяров ўз суҳбатларини жуда жонли ва мароқли ўтказади. Колхозчилар агитаторга зўр ишонч блан қарайдилар ва унинг ҳарбир сўзини э'тибор блан тинглайдилар. Унинг чақириғи блан колхоз а'зоси Тўйчи Қирғизбоева биринчи бўлиб мавсумда 12 минг килограмм пахта териб бериш мажбуриятини олди. Ундан бошқа теримчилар ҳам ўрнак олдилар. Шундай қилиб, теримчилар ўртасида мусобақа қизиб кетди. Колхознинг биринчи ва иккинчи бригадаларида иш олиб борилаётган агитаторлар Оқбўтаев ва Эгамбердиев ўртоқлар ишдаги илғор методларни кенг ёйишга кўп э'тибор бермоқдалар.

Коммунистик партия раҳбарлигида эришаётган оламшумул-тарихий ғалабаларимизни, КПСС Марказий Комитети Пленумлари томонидан қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш юзасидан сўнгги давр ичида қабул қилинган қарорларни кенг пахтакорлар оммасига муттасил тушунтириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Область пахтакорлари орасида ўтказилаётган оммавий-сиёсий ишларда асосий э'тибор қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни кескин равишда юксалтиришга қаратилмоғи керак.

Ҳосилни ўз вақтида, нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ҳозирги кундаги энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифа эканлигини барча колхозчиларга, совхоз ишчиларига, МТС механизаторларига тинмай тушунтириш зарур.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашнинг бориши тўғрисида» чиқарган қарорида ҳозирги вақтда колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий иш олиб боришда жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги та'кидлаб ўтилди. Шу блан бирга область ва район партия комитетларига, колхоз, совхоз ва МТСлардаги бошланғич партия ташкилотларига оммавий-сиёсий ишларни ҳартарафлама кучайтириш, бу ишни бевосита дала шийпонларига кўчириш, илғор теримчиларнинг тажрибасини кенг ёйишни та'минлаш вазифаси юклатилди. Шунингдек пахтакорларимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан СССР Министрлар Совети тавсия қилган тадбирларни колхозчиларга доим тушунтириб бориш — оммавий-агитация ишлари соҳасидаги энг актуал вазифадир.

Шунга эришмоқ керакки, агитаторларимиз ўз ишларини турмуш блан, районлар, колхозлар, МТС ва совхозлар олдида турган конкрет хўжалик вазифалари блан маҳкам боғлаган ҳолда олиб борсинлар. Агитаторларимиз колхоз, бригада, звенолар ҳаётидан олинган ёрқин фактлардан кенг фойдаланишлар ва шу йўл блан пахтакорларимизни ўнмингчилар ва ўнбешмингчилар ҳаракатига қўшилишга, ҳарбир пахта териш машинаси блан мавсумда 70—80 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта териш ҳаракатини кенгайтириб юборишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга чақирсинлар, уларни янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирсинлар.

Броқ, пахта йиғим-терининг ҳозирги мас'улиятли қизғин кунларида колхозчилар ўртасида оммавий-агитация ишларини яхши йўлга қўйишга етарли э'тибор бермаётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас.

Бекобод районидаги кўпчилик колхозларнинг партия ташкилотлари сўнгги вақтларда пахтакорлар ўртасида оммавий агитация ва бошқа тарбиявий ишларни бўшаштириб юбордилар. Дала шийпонлари оммавий-агитация ишларининг марказига айлантирилмаган, улар яхши жиҳозланмаган ва безатилмаган. Деворий газеталар, «Жанговар варақа»лар ўз вақтида чиқариб турилмайди. Колхоз партия ташкилотлари агитаторлар ишига раҳбарлик қилмаётирлар, уларнинг иши кам контроль қилинмоқда. Теримчилар ўртасида оммавий-агитация ишларининг бўшаштириб юборилганлиги районда пахта йиғим-терими сур'атининг пасайиб кетишига та'сир кўрсатмоқда.

Барча партия ташкилотлари пахтакорлар ўртасида агитация ва пропаганда ишларини янада кучайтириб юборишлари, бу муҳим ишнинг мазмуни блан доим қизиқиб туришлари, энг муҳими — уларнинг жонли ва та'сирчан бўлишини та'минлашлари зарур. Марксча — ленинча ҳаётбахш идеяларни тарғиб қилишда, Коммунистик партия томонидан совет халқи бахт-саодати йўлида амалга оширилаётган буюк тадбирларни кенг колхозчи-деҳқонларимиз оммасига муттасил тушунтириб боришда агитаторнинг роли ғоят каттадир. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари оммавий-агитация ишидаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришлари, агитаторларни қунт блан тарбиялашлари, уларга ҳартарафлама назарий ва амалий ёрдам бериб туришлари керак.

Шунга эришмоқ керакки, оммавий-агитация ҳозирги қуннинг энг муҳим вазифасига — пахта тайёрлаш давлат планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги қунигача бажариш ҳамда бу умумхалқ ишида ҳарбир колхозчи ва совхоз ишчиси, ҳарбир механизатор ва қишлоқ хўжалик мутахассисининг актив иштирок этишини та'минлаш вазифасига тўла бўйсундирилсин.

Г. М. Маленков Англия парламенти делегациясини қабул қилди

16 октябрьда СССР Министрлар Совети Раиси Г. М. Маленков СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов блан биргаликда СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Англия парламенти а'золари делегациясини қабул қилди.

Қабул маросимида делегация раҳбари лорд Коулрэйн, делегация раҳбарининг ўринбосари Несс Эдвардс, делегация а'золари — герцог Веллингтонский, лорд Страболджи, Мотт-Редклифф, Фредерик Эрролл, Отто Прайор-Палмер, Никсон Браун, Эдит Питт, Ральф Кларк, лорд Листоуэл, Стэнли Эванс, Джордж Уигг, Кристофер Мэйхью, Элейн Бэртон, Артур Холт ҳозир бўлдилар.

Эркин ва самимий вазиятда бир соатдан кўпроқ давом этган суҳбатда халқаро аҳволга ва СССР блан Англия ўртасидаги муносабатларга тааллуқли масалалар тилга олинди.

Қабул маросимида Буюк Британиянинг СССРдаги фавқулодда ва Мухтор Элчиси У. Хейтер ҳозир бўлди.

Улуғ Октябрь байрами шарафига

КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларидан руҳланган Бекобод районидаги «Қизил пахтакор» колхозининг а'золари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир йиғим-терим ишларининг энг қизғин кунларида колхозда кўпмингчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Колхознинг К. Мусулмонқулова, У. Бобоева ва А. Жабборова каби ўнлаб моҳир теримчилари мавсумда 8 — 12 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган эдилар. Улар ўз мажбуриятларини бажариш учун астойдил курашиб, кунсайин кўп ва юқори сифатли пахта териб топширмоқдалар.

Райондаги Будённий номли колхознинг Бердиёров бошлиқ бригада а'золари бу йил 60 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Улар йиғим-терим ишларини яхши уюштириб, колхоз бўйича мусобақада олдинда бормоқдалар. Чевар теримчилардан Т. Айнақулова ва Т. Абдусатторова каби ўнлаб теримчилар кунига 150—160 килограммдан пахта териб нормаларини ортиғи блан бажармоқдалар.

Бригада а'золари Улуғ Октябрь байрами шарафига олган мажбуриятларини ортиғи блан бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

ВЛКСМ Марказий Комитетида

«Янги ерларни ўзлаштиргани учун» значоги блан мукофотлаш

ВЛКСМ Марказий Комитети кўкракка тақиладиган «Янги ерларни ўзлаштиргани учун» значогини та'сис этди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасидаги ишларда алоҳида намуна кўрсатган комсомоллар, йигит ва қизлар шу значок блан мукофотланадилар.

Биринчи бўлиб бу фахрли мукофотни олишга Олтой ўлкаси механизаторларининг социалистик мусобақасида ғолиб чиққан Василий Минаков бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг а'золари сазовор бўлдилар. Бу бригаданинг а'золари янги ерларни ўзлаштириш планини 232 процент бажарган.

Кўкчетов ва Шимолий Қозоғистон областларининг механизаторларидан катта бир группаси «Янги ерларни ўзлаштиргани учун» значоги блан мукофотланди. Улар орасида Чкалов МТСидаги комсомол-ёшлар трактор бригадасининг бошлиғи И. Сапожников, Северний МТС нинг тракторчиси И. Духалин, Қозоғистон ЛКСМ Шчучинск райкомининг секретари А. Шимко ўртоқлар бор. Курган область комсомол комитетининг тақдими блан «Степной» совхозининг алоҳида намуна кўрсатган тракторчиларидан К. Дятлов, В. Прудников, Н. Николенко, А. Глуховский, А. Лейман, А. Восковцевлар значок блан мукофотландилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўкракка тақиладиган «Янги ерларни ўзлаштиргани учун» значоги блан ҳозирдаёқ 125 киши мукофотланди. (ТАСС).

Сталинободда янги қурилишлар

СТАЛИНОБОД, 16 октябрь. (ТАСС). Сталинободда уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенгайтириб юборилди. Бугун шаҳарнинг чеккасидаги Совет посёлкасида кўп квартирали ўнта уй фойдаланишга топширилди. Ленин номли кўчада уч қаватли маданият уйи қурилиши тамомланмоқда. Бу маданият уйида 750 ўринли тамоша зали бўлади. Ўн хонада бадиий ҳаваскорлик тўгараклари шуғулланади. Ҳаваскор рассомлар ишлаган сурат виставкаси учун махсус зал ажратилди.

Ҳаммом, кир ювиш комбинати ва ёғоч буюмлар тайёрлайдиган комбинат тез сур'атлар блан қурилмоқда.

Юздан ортиқ об'ектда қурилиш ишлари жадаллик блан олиб борилмоқда. Бугун орасида кўпквартирали турар-жойлар, педагогика институтининг тўртқаватли янги ўқув корпуси, болалар боғчалари ва яслалар, партия Марказий Комитети ва шаҳар ижроия комитетининг бинолари бор.

Йил охиригача шаҳар ва районаро қурилиш трестларигина уй-жой, маданий-маиший ва муассасалар қурилишига салкам олтмиш миллион сўм сарф қиладилар.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 18 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Сирдар'ё	1,56	67,42
Мирзачўл	1,35	67,35
Верхне-волинск	1,61	63,16
Гулистон	1,39	61,71
Оржоникидзе	1,60	57,44
Юқоричирчиқ	1,59	55,63
Калинин	1,50	54,38
Чиноз	1,36	50,94
Оққўрғон	1,37	49,47
Бўка	1,50	48,72
Ховос	1,31	47,91
Янгийўл	1,60	44,55
Бекобод	1,03	43,88
Октябрь	1,52	42,80
Оҳангарон	1,28	42,25
Пискент	1,04	42,09
Қуйичирчиқ	1,16	41,13
Ўртасарой	1,12	39,39
Ўртачирчиқ	1,02	37,69
Паркент	0,94	32,06

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 18 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	1,79	71,30
Сталин номли 16 совхоз	1,75	58,45
Биринчи «Далварзин»	0,83	50,86
Учинчи «Боёвут»	1,38	48,02
Биринчи «Боёвут»	1,44	47,68
Иккинчи «Далварзин»	1,25	46,81
Сталин номли 17 совхоз	1,32	41,91
Учинчи «Далварзин»	0,98	41,47
«ЎзССР бешйиллиги» совхози	1,16	41,13
Иккинчи «Боёвут»	1,25	41,03
Тўртинчи «Боёвут»	1,14	36,74

Бутун мамлакат Севастополь мудофаасининг юз йиллигини нишонлади

☆ ☆ ☆

«1854—1855 йилларда Севастополнинг қаҳрамонона мудофааси» виставкаси

16 октябрьда Москвадаги М. В. Фрунзе номли Совет Армияси Марказий уйида «1854—1855 йилларда Севастополнинг қаҳрамонона мудофааси» деган катта виставка очилди. Бу виставкага Марказий ҳарбий-денгиз музейи, Қора денгиз флоти музейи, Совет Армияси Марказий музейи, Марказий ҳарбий-инженерлик тарих музейи ва Давлат тарих музейининг экспонатлари қўйилган.

Биринчи зал рассом И. Айвазовскийнинг рангба-ранг қилиб ишланган катта картинаси блан бошланади. Бу картинада Севастополь ёнидан кетма-кет бўлиб ўтган рус Қора денгиз флоти тасвирланади. Бу ерда баталист рассомлардан А. Боголюбов, Ф. Рубо, И. Прянишников, В. Маковский ва бошқаларнинг картиналари ҳам бор.

Виставкага келучилар Севастополь мудофааси қатнашчиларидан вице-адмирал В. Корнилов, адмирал П. Нахимов, контр-адмирал В. Истомин, лейтенант Н. Бирюлев, унтер-офицер А. Елисеев, боцман А. Рибаков, квартирмейстерлардан П. Кошка ва Ф. Заика, матрос И. Димченко, боцман П. Ананьин, комендор В. Ефремов, улуғ рус ёзучиси Л. Толстой, отоқли рус олими ва хирурги Н. Пирогов ва бошқаларнинг портретларини завқ блан тамоша қиладилар.

1853—1856 йиллардаги Қрим уруши вақтидаги ҳарбий кемаларни ва рус флоти ҳарбий денгизчиларининг кийимларини кўрсатишга анча э'тибор берилган. Буерда ҳарбий кемаларнинг модельлари бор.

Кўпгина стендларда чақмоқтош блан отиладиган тўппончалар ва капсульли тўппончалар, артиллерия ва сапёр тесаклари, ядро, бомба, картечь, компас, тўп ва ҳарбий-инженерлик иншоотлари ва тўсиқларнинг модельлари бор.

Махсус витринада адмирал П. Нахимовнинг ёзув дафтари, вице-адмирал В. Корниловнинг шахсий қуроли, рус олими ва хирурги Н. Пироговнинг хирургия асбоблари қўйилган.

Виставканинг иккинчи зали Улуғ Ватан уруши йилларида Севастополнинг қаҳрамонона мудофаа қилиниши ва озод этилишига бағишланган. Жуда кўп ҳужжатлар, фотосуратлар ва картиналар 1941—1942 йилларда Севастополни мудофаа қилиш вақтида солдат, матрос ва офицерларнинг кўрсаттан қаҳрамонлиги ҳамда жасоратини тасвирлайди. Бу ерда Ватанимиз жанговар шон-шуҳратининг кўпгина ёдгорликлари орасида Қизил Байроқ орденли Н-нчи ўқчилар қўшилмасининг байроғи ва Александр Невский орденли танкка қарши Н-нчи қиручи артиллерия қисмининг байроғи қўйилган. Совет Армияси ва ҳарбий-денгиз флотининг жангчилари ана шу жанговар байроқлар остида Сталинград ёнида жанг қилган эдилар, Севастополни озод қилишда қатнашган эдилар. (ТАСС).

„Севастополь мудофааси" панорамаси очилди

СЕВАСТОПОЛЬ, 16 октябрь. (ТАСС). Бугун, Севастополнинг 1854—1855 йилларда қаҳрамонона мудофаа қилинганига 100 йил тўлганлиги муносабати блан бўлган умумхалқ байрами арафасида, қаҳрамон шаҳарнинг меҳнаткашлари, Қора денгиз флотининг ҳарбий денгизчилари ва байрамда қатнашиш учун Москвадан, Ленинграддан, Киевдан ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан етиб келган жуда кўп меҳмонлар машҳур 4-нчи бастион ёнидаги тарихий бульварда тўпландилар. Бу ердаги гумбазли ва оппоқ улуғвор бино ёнида «Севастополь мудофааси» панорамасининг очилишига бағишланган митинг бўлди.

Севастополнинг 1854—55 йиллардаги мудофааси вақтида рус армияси ва флотининг қаҳрамонликларига бағишланган бу уруш манзараси бундан 50 йил илгари рассом Ф. А. Рубо томонидан яратилган эди. Панорама узунлиги 115 метр ва баландлиги 14 метр бўлган катта полотнодан иборат бўлиб, унда қаҳрамонона эпопеянинг ажойиб эпизодлари юксак маҳорат блан тасвирланган эди. Фашист йиртқичлар рус шон-шуҳратининг бу ажойиб ёдгорлиғини вайрон қилдилар. Уруш тамом бўлганидан кейин панорамани тиклашга киришилди. Совет рассомларидан бир группаси СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий а'зоси П. Соколов-Скаль раҳбарлигида бу ишни тамомлади.

Митингни меҳнаткашлар депутатлари Севастополь шаҳар Совети ижроқомининг раиси ўртоқ Сосницкий очди. Қора денгиз флоти сиёсий бошқармасининг бошлиғи контр-адмирал Калачев рассомлар коллективини ижодий муваффақиятлар блан қутлади ва панорамани қайтадан тиклаганликлари учун уларга ташаккур изҳор қилди.

Митингда шаҳар интеллигенциясидан ўқитучи ўртоқ Донец, панорама биносини тиклашда қатнашган шаҳар қуручиси ўртоқ Ильин, Украина ССР Маданият министрининг ўринбосари ўртоқ Коваль, рассомлар коллективининг раҳбари П. Соколов-Скаль нутқ сўзладилар.

Митинг тамом бўлди. Панорамани кўриш бошланади. Кўз олдида рус халқининг қаҳрамонона кураши тарихидаги шонли воқеалардан бирини акс этдиручи рус сан'атининг ажойиб ижоди намоён бўлади. Ўзингизни Малахов тепалигида, жанг ўртасида, қал'ани ҳимоя қилучи жасур курашчилар ўртасида тургандай хис қиласиз.

☆ ☆ ☆

Севастополь. Денгизчилар Севастополь учун бўлган жангда ҳалок бўлган қаҳрамон учучиларга ўрнатилган ҳайкал ёнида.

☆

ЛЕНИНГРАД СЕВАСТОПОЛЬ МУДОФААСИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА

ЛЕНИНГРАД, 16 октябрь. (ТАСС). Шаҳардаги корхоналар ва муассасаларда, Ленинград гарнизонининг бўлинмаларида Севастополь қаҳрамонона мудофаасининг юз йиллигига бағишлаб суҳбат, лекция, доклад, кеча ва мажлислар ўтказилмоқда. С. М. Киров номли офицерлар уйида тантанали кеча бўлди. Кеча қатнашчилари контр-адмирал Е. Г. Глинковнинг 1854—55 йилларда Севастополь мудофааси тўғрисида қилган докладини эшитдилар.

Бугун С. М. Киров номли ҳарбий-медицина академиясида (Севастополь мудофаасининг қаҳрамони, отоқли рус хирурги Н. И. Пирогов ўтган асрда шу ерда ишлаган эди) Қора денгиз қал'аси мудофаасининг 100 йиллигига бағишланган катта кеча ўтказилди. Генерал-майор П. К. Коритников доклад қилди. Профессор Г. Ф. Николаев академиянинг Севастополь мудофаасида қатнашган педагоглари ва тарбиялаб етиштирган кишилари тўғрисида сўзлаб берди.

Ҳарбий медицина музейини кўп киши тамоша қилмоқда. Экскурсантлар Н. И. Пироговнинг фаолиятини, Севастополь мудофаасида қатнашган рус ва совет ҳарбий врачларининг қаҳрамонлиги ҳамда фидокорона меҳнатини тасвирловчи бўлимлар блан танишмоқдалар.

СЕВАСТОПОЛЬ МУДОФААСИНИНГ ЮЗЙИЛЛИГИГА

ВЛАДИВОСТОК, 16 октябрь. (ТАСС). Приморье меҳнаткашлари ва Тинч океан флотининг денгизчилари Севастополь қаҳрамонона мудофаасининг юзйиллигини кенг нишонламоқдалар. Флотнинг ҳарбий кемалари, қисмлари ва бўлинмаларида, областьдаги корхоналар, колхоз, совхоз, МТСларда, савдо флоти кемаларида Қрим уруши вақтида рус халқи кўрсатган буюк қаҳрамонликка бағишлаб суҳбат ва докладлар ўтказилмоқда. Махсус радио эшитдиришлар Севастополь мудофаасига бағишланди.

СССР география жамиятининг Приморье филиали шонли кун шарафига тарих секциясининг махсус мажлисини ўтказади.

Горький номли Приморье ўлка кутубхонаси рус шон-шуҳрати шаҳрига ва унинг қаҳрамон ҳимоячиларига бағишлаб катта виставка тайёрлади.

СЕВАСТОПОЛЬДАГИ ТАРИХИЙ ЖОЙЛАРДА МЕМОРИАЛ ТАХТАЛАР

СЕВАСТОПОЛЬ, 16 октябрь, (ТАСС). Севастополь қаҳрамонона мудофаасининг юзйиллиги байрами кунида шаҳарнинг илгари нишонланмаган тарихий жойларига 20 дан ортиқ мемориал (хотира) тахта қўйилди. Мемориал тахта Малахов қўрғонига қўйилди. Бу ерда Севастополь мудофаасининг ташкилотчиси адмирал П. С. Нахимов жуда оғир ярадор бўлган эди. Килен-бухтада биринчи бастиондаги башня яқинига ўрнатилган мемориал тахтага, «1-нчи бастионнинг мудофаа башняси» деган сўзлар ёзилган. Бу ерда юз йил илгари Севастополнинг ярадор ҳимоячиларига медицина ёрдами кўрсатиш учун пункт очилган эди.

Роза Люксембург номли кўчадаги янги бинога ҳам мемориал тахта қўйилди. Россиянинг биринчи медицина ҳамшираси Даша Севастопольская (Александрова) 1910 йилгача ана шу бинодаги уйда яшаган эди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Тошкент область колхозларининг энг яхши теримчиларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотлаш тўғрисида

1954 йилги пахта ҳосилини теришда бошланган социалистик мусобақада энг яхши натижаларга эришган қуйидаги теримчилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиғи блан мукофотлансин:

1. **Буярова** Улбулсин — Бўка район, Бўка қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.180 килограмм пахта терган.

2. **Қолдибоева** Ҳадича — Чиноз район, Яллама қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 7.900 килограмм пахта терган.

3. **Абдуллаева** Турсун — Чиноз райони Яллама қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 7.300 килограмм пахта терган.

4. **Ниёзова** Хадия — Чиноз район, Яллама қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 7.400 килограмм пахта терган.

5. **Юсуфхўжаева** Ойсора — Чиноз район Яллама қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.400 килограмм пахта терган.

6. **Ҳайдарова** Раҳбар — Чиноз район Яллама қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 7.300 килограмм пахта терган.

7. **Мирзаева** Хайри — Чиноз район Яллама қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.500 килограмм пахта терган.

8. **Сайданбеков** Икром — Чиноз район Ўзбекистон 10 йиллиги қишлоқ советидаги Шверник номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.800 килограмм пахта терган.

9. **Иброҳимова** Бозор — Чиноз район Ўзбекистон 10 йиллиги қишлоқ советидаги Шверник номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.900 килограмм пахта терган.

10. **Умарова** Сора — Оржоникидзе район Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 7.338 килограмм пахта терган.

11. **Фозилова** Бўтаой — Оржоникидзе район Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.960 килограмм пахта терган.

12. **Жамбоева** Фотима — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.316 килограмм пахта терган.

13. **Ғойипова** Нафиса — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.388 килограмм пахта терган.

14. **Чимирбоева** Зина — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.317 килограмм пахта терган.

15. **Муслимова** Раҳима — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.606 килограмм пахта терган.

16. **Бекматова** Ўктам — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.250 килограмм пахта терган.

17. **Расулева** Жамила — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.307 килограмм пахта терган.

18. **Тешабоева** Маҳбуба — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.420 килограмм пахта терган.

19. **Шоалиева** Матлуба — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.900 килограмм пахта терган.

20. **Тиллаева** Маҳбуба — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.899 килограмм пахта терган.

21. **Дўсматова** Зуҳра — Оржоникидзе район Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.390 килограмм пахта терган.

22. **Содиқова** Ма'мура — Оржоникидзе район Сталин қишлоқ советидаги Пушкин номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 6.455 килограмм пахта терган.

23. **Бўрнева** Ма'рифа — Оржоникидзе район Қибрай қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 7.274 килограмм пахта терган.

24. **Хонхўжаева** Ҳуррият — Оржоникидзе район Қибрай қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси, 1954 йил 15 октябрьгача 8.153 килограмм пахта терган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри.
1954 йил 16 октябрь

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА

ҚИЗҒИН КУНЛАР

— Бу колхоз ҳаётида коммунистлар жуда катта роль ўйнайдилар, — дейди райком секретари, — сур'атда ҳам, рўйхатда ҳам коммунистлар олдинда, кўп меҳнат куни ишлаган кишиларни суриштирсангиз, улар ҳам коммунист бўлиб чиқади. Пленумларнинг қарори яхши натижа берди. Партия ташкилотларининг ишида катта ўзгариш бўлди. Хўжалик ишлари блан кўп шуғулланадиган бўлиб қолдик.

— Колхозда йиғим-терим қалай? деб, сўраймиз.

— «Хрушчев»дами? Мана, марҳамат қилиб танишинглар, — дейди райком секретари сводкани кўрсатиб.

Ҳақиқатан Хрушчев номли колхоз пахта тайёрлашда районда биринчи ўринда бораётган экан.

— Йиғим-терим бошлангандан бери, Маленков номли колхоз биринчи ўринда келаётган эди. Машиналар ишга туширилгандан кейин Хрушчев номли колхоз ўтиб кетди. Кечаги кунгисини кўрсак бўлади. Мана 3,8 процент топширипти...

Катта асфальт йўлдан ўнгга қайрилиб, «Садсовхоз»нинг олмазоридан кесиб ўтган йўл блан икки километр чамаси борилса, ажойиб манзара кўзга ташланади. Йўлнинг икки томонида янги уйлар қаторлашган. Ҳовлилар одамдан холи.

Далада эса ҳаёт қайнайди.

Йўлнинг бир томонида теримчилар, иккинчи томонида эса машиналар ишламоқда. Йўл-хирмонга бориб тақалади.

Хирмон тепаликка қурилгани учун узоқдан кўзга ташланади. Офтоб тик кўтарилиб, жанубга ўтган. Хирмонга ёйиб қўйилган пахта қуёш нурида кўзни қамаштиради. Шунда Россиянинг қорли саҳроси эсга тушади. Қуёш нур сочиб турганда қорли далага узоқ вақт қараб бўлмас эди. Уруш йилларида, Великие Луки шаҳарига яқин Чапаев номли колхоз даласида ба'зи офицер ва солдатлар саробдан нолиган эдилар. Оппоқ пахтага ҳам, агар қуёш тиккадан нур сочиб турган бўлса, узоқ вақт қараб бўлмайди. Кўзни юмсангиз ҳам кичкина оқкизил тўгаракчалар учиб юради, гўё.

Уруш йилларида бирқанча йигитлар фронтга кетгандан кейин, бунинг устига машина, ўтитлар етишмасдан бу колхоз жуда камқувват бўлиб қолди. Кейнги йилларда колхоз хўжалиги бирмунча юксалган бўлса ҳам, броқ, пахта плани бажарилмасдан, тузук даромад келмагани учун районнинг қолоқ колхозларидан бири ҳисобланиб келади.

Коммунистларнинг бутун фаолияти, ғайрат ва ташаббуси ҳам ана шу қолоқлик доғини ювиб ташлашга қаратилганлигини дарров пайқаб олиш қийин эмас. Мана, биз коммунист Тоштон Маҳмудов бошлиқ бригаданинг шийпончдамиз. Шийпон жуда баҳаво. Бу ердан туриб қараган киши чор атрофни бирнеча километргача кўраолади. Пахта тераётган СХМ—48 М машиналар чанг чиқариб, ўрмалаб юришипти. Жигарранг пахта майдонининг ҳаржой-ҳаржойида дала хирмонлари оқариб кўринади. Теримчилар, пахта қопловчилар, пахта ташувчилар иш блан машғул.

Бригада бошлиғи Маҳмудов УПХ—1,5 машинаси олдида. Бу ерда машиналар блан терилиб, ёйиб қуритилган пахта машинадан ўтказилмоқда.

Бригада бошлиғи райком секретарини кўриб, жуда хурсанд бўлди.

— Ўртоқ Муҳаммедов, мен сизга қувончли хабар айтмоқчи эдим. Яхши келдингиз, — деди бригада бошлиғи кенг пахта майдонини кўрсатиб, — шу участканинг ҳаммасидан биринчи теримдаёқ 20 центнердан ҳосил йиғиб олдик.

— Демак, мажбуриятни ошириб бажарар экансизлар-да, — деди райком секретари.

— Менинг мўлжалим 35—36 центнер, — дейди Маҳмудов. — Байрамга шудгорни ҳам бошлаб юборадиганга ўхшаб турибмиз. Машиналар шундай ишлаб турса, йиғим-теримни жуда барвақт тамомлаймиз. Аммо, машина бўлмаганда бу ҳосилни қўлда териб тамомлайолмас эдик...

Коммунист Тоштон Маҳмудов жуда бағайрат, серҳаракат киши. У ўзининг ишчанлиги блан ҳаммага намуна бўлиб, бригадада меҳнат интизомини жуда мустаҳкамлаб олган. Чигит экишдан бошлаб ғўза парваришининг ҳамма даврида унинг бригадаси биринчи ўринда келган эди. Йиғим-терим бошқа бригадалардан кейинроқ бошланган бўлсада, бирнеча кун ичида у яна илгорликни қўлга киритди.

Коммунист Маҳмудов снёсий-оммавий ишларнинг аҳамиятига юксак баҳо беради. У дала шийпонини жуда яхши безатган. Ўқитучилардан Зўҳра Қобилова ва Маргарита Копанаевалар шу бригадага агитатор қилиб биркитилган. Улар дам олиш вақтида суҳбат ўтказиш блан бирга 30—40 килограммдан пахта ҳам териб бермоқдалар. Пушкин номли колхознинг ўқучи ва ўқитучилари бу колхознинг ўн минг килограммдан ортиқ пахтасини териб бердилар.

Тоштон Маҳмудов ҳосилни нобуд қилмай, а'ло сифатли қилиб териб олишга алоҳида э'тибор беради. У, бугун эрталаб жўнатган пахтаси отбор сортга ўтганлигини завқ блан сўзлади.

Пахтанинг хирмонда ва йўлда нобуд бўлмаслиги устидан коммунист ўртоқ Ризо Шокиров назорат қилади. Бригадада 7 комсомол бўлиб, улар ҳам асосан нобудгарчиликка қарши курашмоқдалар.

Бу бригадада пахта асосан машиналар блан терилаётган бўлсада, паст-баланд ерларнинг пахтаси қўл блан терилмоқда. Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа қизғин тус олган. Эпчил теримчи Та'мина Камолова 5639 килограмм, Турсунова 4120 килограмм, Меҳрибон Кикиндзе 4060 килограмм пахта териб, мавсум нормасини бажардилар. Билур Бридзе, комсомол а'зоси Диловар Баширова, Нишон Турлибекова, Барака Миркомилов, Раҳмон Мирзабобоев каби комсомоллар 10—15 минг килограммдан пахта теришга мажбурият олиб, 180—200 килограммдан пахта термоқдалар.

Хрушчев номли колхоз бу йил 760 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,2 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган.

Колхоз коммунистлари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш учун, колхозни қолоқликдан чиқариш учун астойдил курашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу колхознинг хўжалиги асосан пахтачиликдан иборат бўлганлиги учун унинг иши шу соҳада эришилган муваффақиятлар блан ўлчанади. Колхоз пахта тайёрлаш сентябрь ойи планини ошириб бажарди. Октябрь ойида эса пахта териш ва топшириш сур'ати янада кучайди. Бригада бошлиқлари Абулқосим Сафаралиев, Қўчқор Усмонов, Ҳамид Мамажоновлар йиллик планнинг 70 проценти миқдорида, коммунист Маҳмудов бошлиқ бригада эса йиллик планнинг 90 проценти миқдорида пахта топширдилар.

Қизғин кунлар. Шу кеча-кундузда колхоз ранси коммунист Далибоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Рустамов сра тинмайдилар. Колхоз комсомол комитетининг секретари Султон Усмонов агитация ва пропаганда ишларида партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқда. 7 дала шийпонида 16 комсомол агитатор бўлиб ишламоқда. «Мўл ҳосил учун» деворий газетаси ҳар 15 кунда чиқарилмоқда. Бригадаларда 5 кунда бир мартадан «Жанговар варақа»лар чиқарилади.

Колхоз даласида, фермаларда бўлган киши ҳақиқатан бу колхоз партия ташкилоти артель хўжалигини юксалтириш учун, колхозни қолоқликдан чиқариш учун астойдил курашаётганини сезади. Дастлабки натижалар сезилмоқда, колхознинг жорий ҳисобида маблағ кўпаймоқда, бу қишлоққа янгидан-янги хўжаликлар кайтадан кўчиб келмоқда.

— КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг қарорлари амалга оширилмоқда, — дейди райком секретари ўртоқ Муҳаммедов — буни ҳарқайси колхоз ҳаётида кўриш мумкин.

Райком секретарининг бу қисқа хулосасида олам-олам ма'но бор...

Н. ЮСУПОВ.

Суратда: Молотов номидаги Тошкент медицина институти кўзлар клиникаси орденатори ўртоқ Х. Зоҳидова беморнинг кўзини текширмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Оҳангарон кончилари меҳнат вахтасида

Оҳангарон кўмир конинкг барча бўлимларидаги ишчилар ва инженер-техник ходимлар шу кунларда ҳарқачонгидан ҳам унумли ишламоқдалар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигини ва Ўзбекистон ССР нинг 30 йиллиги юбилейини саноат корхоналари ва иste'молчиларга пландан ташқари кўплаб кўмир етказиб бериш блан кутиб олиш учун зўр ғайрат қилмоқдалар.

Кон устини очиш разрезининг коллективи мавжуд техника воситаларидан ҳамда иш вақтининг ҳарбир соатидан рационал фойдаланиб, кон устини очиш юзасидан белгиланган 9 ойлик давлат топшириғинн муддатидан 2 ҳафта олдин бажарди. Шу муддат ичида пландан ташқари 126 минг кубометр тупроқ-шағал ортилди.

Ўртоқ Нагель бошчилик қилаётган 2-нчи участка механизаторлари меҳнат унумини ошириш учун кун сайин авж олиб бораётган социалистик мусобақада йил бошидан бери биринчиликни қўлдан бермай келаётирлар. Участканинг меҳнатсевар ишчилари 10 ойлик планни муддатидан 20 кун олдин бажариб, ҳозир ноябрь ойи ҳисобига ишламоқдалар. Участкадаги Трофимов, Голуб, Чигрин сингари илғор экскаваторчилар смена нормаларини 2—2,5 ҳиссадан ортиғи блан адо этиб, коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Кўмир разрезининг коллективи ҳам тезкорлик методи блан ишлаб, барча участкаларда белгиланган графикнинг ошиғи блан бажарилишига эришмоқда. Ўртоқ Бурштейн бошчилигидаги 2-нчи участка кончилари сентябрь ойининг ўзида пландан ташқари бирнеча эшелон кўмир жўнатдилар. Николай Хорошилов бошлиқ экскаватор бригадаси а'золари меҳнатни намунали ташкил қилиш, экскаватор қувватидан тўла ва унумли фойдаланиш туфайли ҳар ҳафтада нормадан ташқари 5-6 эшелонлаб кўмир ортмоқдалар. Разрез механизаторларидан Н. Павлов, М. Стукач ва Султонбеков ўртоқлар ҳар сменада планга қўшимча равишда 300 тоннадан кўмир ортаётирлар.

Шунингдек, юк ортиш-транспорт бошқармасининг ишчи ва хизматчилари ҳам кончилар қазиган кўмирни белгиланган ерларга тезда етказиб бериш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Станция навбатчиларидан Динсов, Сердинцева ва состав тузучи Султонов ўртоқлар составлар жўнатиш графигини доим тўла-тўкис бажармоқдалар. Паровоз бригадалари ўртасида қизғин тус олган байрамолди мусобақасида Пчельников ва Шмельков бригадалари олдинда бормоқда. Улар ҳар сменада қўшимча равишда 200-300 кубометр тупроқ-шағал ва бирнеча юз тоннадан кўмир ташимоқдалар.

Х. СУЛТОНОВ.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДА

СОВХОЗДА ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Сталин номли 16-нчи ва 17-нчи пахтачилик совхозларида янги қурилишлар тобора кўпаймоқда. Бу биноларнинг кўпи маданий муассасалар, мактаблар учун қурилмоқда. Совхоз жамоатчилиги мактаб ўқитучиларига ҳам яхши ғамхўрлик қилаётир. 16-нчи совхозда 3 та, 17-нчи совхозда 4 та янги бино қурилиб ўқитучиларга берилди. 16-нчи совхозда янги қурилаётган мактаб биноси битай деб қолди.

ЕШЛАРНИНГ СЕВГАН ЖОЙИ

Район марказидаги болалар кутубхонаси ёшларнинг севги жойидир. Кутубхонанинг китоб фонди йил сайин кўпаймоқда. Ҳозир кутубхонада 6000 дан ортиқ 1352 номда китоб бор. Ёш китобхонлар бу ердан бадиий адабиётлар, дарсликлар ва бошқа китобларни олиб турадилар. Кутубхонада китоблар витринаси ташкил қилинган. Ёш китобхонлар ўртасида «Китобдан қандай фойдаланиш керак» деган темада суҳбатлар ўтказилиб турилади.

ВИСТАВКА ҚАТНАШЧИСИНИНГ СУҲБАТИ

Пахтачилик звеносининг бошлиғи Таня Астақова мўл ҳосил усталаридан бири. У, агротехникани қунт блан ўқиди, илғорлар тажрибасини ўрганди ва уни ўз звеносида амалга оширди. Натижада у бошчилик қилаётган 6-нчи бригаданинг 1-нчи звеноси пахтадан мўл ҳосил етиштирди.

Таня Астақова Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Яқинда у жонажон Москвадан — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасидан қайтиб келди. Дам олиш вақтида бригада шийпонида колхозчилар тўпландилар. Таня Астақова уларга виставка таассуротларини сўзлаб берди.

КОЛХОЗДА МАВСУМИЙ ЯСЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Сталин номли колхоз Чиноз районининг энг йирик ва илғор колхозларидан бири ҳисобланади. Етиштирилган мўл пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олишга астойдил киришган колхоз а'золарига барча шароит яратиб берилган.

Яқинда пахта даласида мавсумий ясли ташкил этилди. Колхоздаги 83 аёлнинг болалари шу ерда тарбияланмоқда.

Мавсумий яслида Шура Иванова, Тожи Раҳимова, Лиза Петрова, Бувнинсо Назарова каби тажрибали тарбиячилар ишламоқдалар.

Колхоз правленеси ва партия ташкилоти томонидан амалга оширилаётган бу тадбир пахта йиғим-терими сур'атининг тезлашига катта имконият бермоқда.

Я. АБДУҚОДИРОВ,
Н. САИДОВ.

Социалистик мусобақа ғолиблари

Тошкентдаги пласкож заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари меҳнатни яхши ташкил қилиш, рационализаторлик ва итиро'чилик таклифларини кенг қўлланиш натижасида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар ўзаро социалистик мусобақа асосида зўр ғайрат блан ишлаб, 9 ойлик давлат топшириғини ҳамма кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 1 миллион 326 минг сўмлик маҳсулот ишлаб бердилар. Шу муддат ичида меҳнат унуми 3,5 процент оширилди.

Завод коллективининг бундай ютуқларга эришишида ишлабчиқариш майдонидан рациональ фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан тўғри ва унумли фойдаланиш ҳамда станокларнинг бекор туриш вақтини камайтириш учун олиб борилган кураш катта аҳамиятга эга бўлди.

Цехлар ўртасида кун сайин авж олаётган социалистик мусобақада ўртоқ Грановский бошчилигидаги пласкож цехининг ишчилари олдинда бормоқдалар. Цехнинг Тожибоева, Панфлякина, Курдиной ва Фролова каби илғор ишчилари смена нормаларини 2 — 2,5 ҳиссадан бажариб келаётганликлари учун шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилганлар. Кезбородов, Вострикова, Ҳидоятов, Эргашев сингари кўпгина новатор ишчилар илғор иш методларини қўлланиб, бешиллик нормаларини муддатидан илгари бажардилар ва ҳозир 1956 — 1957 йиллар ҳисобига ишламоқдалар. Бу новаторларнинг илғор иш методлари ишчилар орасида кенг ёйилмоқда.

Шу кунларда корхона коллективи республикамизнинг 30 йиллик юбилейи шарафига йиллик давлат программасини 18 декабрьгача бажариб, пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлабчиқариш ва меҳнат унумини 5 процент ошириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

И. БОБОЖОНОВ.

Сельэнерго конторасн ходимларининг беғамлиги

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхознинг электр токи блан ишлатиладиган тахта тилиш машинаси кўпдан бери ишлатилмасдан ётибди, тахталар эса қўл кучи блан тилинмоқда.

Ўнлаб ишчни бир кунда бажарадиган ишини бир соатда адо этадиган шундай машинаси бор колхозда нима учун қўлда тахта тилинмоқда?

Тельман номли колхоз Тошкент область Сельэнерго конторасига қарашли гидростанциядан фойдаланади. Гидростанция ўзига биркитилган клиентларни фақат маиший эҳтиёжларини эмас, ишлабчиқариш эҳтиёжларини ҳам қондириш қувватига эга. Броқ, электростанциянинг директори ўртоқ Дмитров ГЭС қувватидан тўла фойдаланиш ўрнига, сувни бошқа трубалар орқали генераторга эмас, шаршараларга оқизмоқда.

Тельман номли колхоз электр тармоқларини тортиш ва бошқа харажатлар учун гидростанция бошқармасига 141 минг сўм пул тўлади. Гидростанция ходимлари пулни олдилар, лекин колхоз электр қуввати блан тўла та'миланмади. ГЭС ходимларининг ўз вазифасига совуққонлик блан қарашлари натижасида Тельман номли колхознинг фақат тахта тилучи машинаси эмас, электр қуввати блан юрадиган тегирмони ва ем-хашак тайёрловчи машинаси ҳам фойдаланилмай ётибди. Бундан ташқари колхозчилар уйига тушириган 150 лампочканинг ярми бутунлай ёнмай қўйди, ярми эса жуда хира ёнади.

Тошкент область Сельэнерго конторасининг ходимлари бундай беғамликни қачонгача давом этдирадилар?

Б. СНЕГОВ.

Сиёсий ўқиш намунали уюштирилмоқда

Коммунистларнинг сиёсий онгини ошириш, уларни марксизм-ленинизм та'лимоти блан қуроллантириш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Бу соҳада партия сиёсий маорифи шохобчалари ишини тўғри ташкил қилиш жуда муҳимдир.

Тошкентдаги Гўшт комбинати партия бюроси (секретари ўртоқ Н. П. Куницин) сиёсий тўгараклар ишини пухта ташкил этди.

Ҳар ҳафтанинг жума куни — комбинатда партия сиёсий ўқиш кунидир. Бу куни коммунист, комсомол ва актив ишчилар машғулотларда қатнашиб ўз сиёсий билимларини оширадилар. Тўгаракларга 91 коммунист, 100 дан ортиқ комсомол ва партиясиз инженер-техник ходимлар ҳамда актив ишчилар уюшган.

Комбинат клубининг қизил бурчаги яхшилаб безатилган. Тўрдаги қизил алвонга «Коммунист ўз онгини ошириш йўлида, марксизм-ленинизм асарларини ўрганиб, билиб олиш йўлида тинмай ишлаши зарур» деган сўзлар ёзилган. Бу ерда газета ва журналлар столи, адабиётлар витринаси, карталар ва бошқа қўлланмалар мавжуд. Партиямиз тарихини ўрганучи юқори типдаги тўгаракнинг 16 тингловчиси ўтиради. Пропагандист 34-нчи ўрта мактаб тарих ўқитучиси ўртоқ Йўлдошев машғулотни бошлаб, ўтган тема устида қисқа суҳбат ўтказабошлади.

Тўгаракнинг актив тингловчилари: колбаса цехининг илғор ишчиси Ну'мон Иброҳимов, комбинат транспортининг шофери, социалистик мусобақа ғолиби Тал'ат Мансуров ўртоқлар ўтган тема ҳақида қисқа ва мазмундор сўзлайдилар. Пропагандист уларнинг сўзига яқун ясайди.

Комбинатда ташкил этилган барча тўгаракларда машғулотлар ҳафтанинг белгиланган кунида мунтазам давом этмоқда. Партия ташкилоти пропагандистлар тайёрлашга катта аҳамият берган. Улар орасида комбинат ремонт-қурилиши цехининг бошлиғи И. Милюков, олий ўқув юртининг ўқитучилари Просветов, Фахриддинов, Шчукин, болалар уйининг директори Оренберг каби тажрибали пропагандистлар бор.

Комбинат ишчиларидан ўнга яқин киши кечки ўрта ва олий мактабларда ҳамда марксизм-ленинизм университетида ўқимоқдалар. Кўпгина коммунистлар марксизм-ленинизм асарларини мустақил ўрганмоқдалар.

Қ. ОТАМИРЗАЕВ.

Бир корхонанинг лекторийлари

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия комитети лекция пропагандасига катта э'тибор бермоқда. Йил бошидан бери тўқимачилар учун ҳархил темаларда 300 га яқин лекция ўқилди. Фабрикаларда ва тўқимачиларнинг Маданият саройида 6 та лекторий ташкил этилган. Бу лекторийларда СССРнинг ташқи сиёсати ва ҳозирги замон халқаро муносабатлар тўғрисида, фан ва техника янгиликлари тўғрисида, илмий-атеистик ва маиший темаларда лекциялар ўқилмоқда. Марксча-ленинча назарияни мустақил равишда ўрганучиларга ёрдам учун махсус лекциялар цикли ташкил этилган.

Комбинат лекторийларида республика пойтахтининг отоқли олимлари. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамият а'золари, партия ва совет раҳбар ходимлари лекциялар ўқимоқдалар. Кейинги уч кун ичида улар «Диалектик ва тарихий материализмнинг вужудга келиши — философияда буюк революцион ўзгаришдир», «Совет ҳукуматининг ташқи сиёсати — совет халқининг коммунизм учун курашдаги қуролидир», «Оламнинг тузилиши тўғрисида фан ва дин», «Алкоголизм — ўтмишнинг зararли сарқитидир» деган темаларда лекциялар ўқидилар.

Шунингдек партия комитетининг штатсиз лекторлари ва докладчиларидан 60 киши лекция пропагандаси олиб бормоқдалар. Улар орасида комбинатнинг хўжалик ва партия раҳбар ходимлари, фабрикаларнинг директорлари ва бош инженерлари бор. Уларнинг доклад ва лекциялари меҳнат унумини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш, меҳнатнинг илғор методларини оммалаштириш масалаларига бағишланган. (ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Бир йўл бор экан...“

Газетамизнинг шу йил 22 август сонида юқоридаги сарлавҳа блан сатира ва юмор рубрикаси остида танқидий материал босилиб, унда Тошкент шаҳар Октябрь район Қумлоқ маҳалласидан Калинин район 53 раз'ездга ҳамда Ҳасанбой қишлоғига борадиган серқатнов йўл ниҳоятда ёмон аҳволда экани, бу эса шу йўлдан қатнаётган автотранспортнинг бузилишига сабаб бўлаётгани кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шукуровнинг редакциямизга хабар қилишича газета материали район ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилинган ва унда кўрсатилган камчиликлар исботланган.

Район ижроия комитети кўчани 1 ноябрьгача тузатишни планлаштирган ва шунинг юзасидан коммунал хўжалик бўлимига топшириқ берган. Район коммунал хўжалик бўлими ишга киришган.

Новаторлар ташаббусини ҳартомонлама қўллаб-қувватлайлик

Чирчиқ шаҳар саноат корхоналарининг новаторлари ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштириб, илғор совет техникасидан мумкин қадар унумлироқ фойдаланиш учун кескин кураш олиб боратирлар.

Саноат корхоналарининг рационализаторлари фақат шу йилнинг олти ойи ичидагина оғир иш процессларини механизациялаштиришга, кўплаб хомаш'ё ва ёрдамчи материалларни тежашга, ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштиришга ва шу йўллар блан меҳнат унумини оширишга қаратилган 968 рационализаторлик ва ихтиро'чилик таклифлари киритдилар. Бу таклифларни ишлабчиқаришга жорий қилиш натижасида давлатнинг 3 миллион сўмдан кўпроқ маблағи тежалди.

«Средазхиммаш» заводида Средневолжск машинасозлик заводининг новатор-токари Василий Колесовнинг детальларни куч блан ишлаш методи қўлланилмоқда. Ўртоқ Колесов методи асосида ишловчи токарьлардан Колесников, Ерёменко, Рибец каби ўртоқлар юқори сифатли маҳсулот ишлабчиқариш блан бирга, кунлик нормаларини 3—4 баравар ошириб бажараётирлар. Заводнинг фақат биринчи механика цехидагина 40 дан ортиқ ишчи шу йилнинг ўтган 7 ойи ичида 1—1,5 йиллик нормаларини бажариб қўйишга эришдилар. Завод цехларида 59 бригада фақат а'ло сифатли маҳсулот ишлабчиқариш учун ўзаро мусобақалашмоқда.

Сталин номли электрохимия комбинати синтез цехининг аппаратчиси ўртоқ Анна Маслованинг технология режимини а'ло даражада бошқариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси мамлакатимизнинг деярлик барча химия саноати корхоналарида қўлланилмоқда. Анна Маслованинг иш методлари ҳатто халқ демократияси мамлакатларида ҳам қувватланмоқда ва ишлабчиқаришда тобора кўп қўлланилмоқда. Аппаратчи Анна Маслова номига халқ демократияси мамлакатларидан тез-тез хатлар келиб туради. Бу хатларда новаторлар Анна Маслова методи асосида ишлаб, қандай ютуқларни қўлга киритаётганликлари ҳақида ёзадилар.

Шу кунларда Чирчиқ электрохимия комбинатида 454 ишчи Анна Маслова методи асосида ишлаб, юқори меҳнат кўрсаткичларига эришаётир. 1-нчи цехнинг илғор аппаратчиларидан Власова, Нуров каби кўпгина ўртоқлар Анна Маслова методи асосида ишлаб, биринчи ярим йилнинг ўзидагина 17—18 минг сўмдан давлат маблағини тежадилар. Шу йилнинг ўтган олти ойи ичида комбинат цехларидаги аппаратчиларнинг шахсий варақаларига 360 минг сўм тежалган маблағ ёзилди. Хўжалик ҳисобига ўтиб ишловчи сменалар эса давлатнинг 520 минг сўмини иқтисод қилдилар.

Шунингдек шаҳарнинг бошқа саноат корхоналарида ҳам илғор иш методлари асосида ишловчилар қатори тобора кенгайиб бормоқда. «Чирчиксельмаш» заводи асбобсозлик цехининг фрезерчиси Бекиров, 2-нчи механика-йиғув цехининг токари Сачков, парматовчи Гумирова каби кўпгина ишчилар илғор иш методлари асосида ишлаб, ажойиб ютуқларга эришмоқдалар. Шу йилнинг ўтган 8 ойи ичида 562 ишчи йиллик ва бир ярим йиллик нормаларини бажардилар.

Аммо шаҳарнинг барча корхоналарида ҳам илғорларнинг иш методлари коллектив ўртасида кенг оммалаштирилмоқда, деб айтиб бўлмайди. Саноат корхоналарида ишчиларнинг мутахассислигини ва техника билимларини оширишга жиддий э'тибор берилмаётир.

Бундай ҳолларни пойафзал фабрикаси (директори ўртоқ Алимов) ва тикучилик фабрикасида (директори ўртоқ Мирсандов) кўриш мумкин. Бу корхоналарнинг бош инженерлари Школовский ва Сендерович ўртоқлар бошчилигидаги техника советлари ҳеч қандай иш олиб бормаётир. Илғорларнинг иш методларини оммалаштиришга, уларнинг усулларини коллектив ўртасида ёйишга қаратилган ишлар мутлақо уюштирилмаган.

Техникани пухта эгаллаб олган, ма'лумотли ишчиларгина илғор иш методларини тез ва муваффақиятли қўллана-оладилар. Чунки илғор иш методининг ўзи техникани яхши эгаллаш, дастгоҳларнинг кучидан унумли фойдалана билишдан келиб чиқади. Шунинг учун ишчи ва хизматчиларнинг билимларини ва техника савиясини системали равишда ошириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Афсуски, тикучилик ва пойафзал фабрикаларининг партия ташкилотлари, касаба союз комитетлари ва хўжалик раҳбарлари бу муҳим масалага кам э'тибор бериб, шу вақтгача корхонада техника ўқувини ташкил қилмай келаётирлар. Кўпчилик ишчилар ўзларининг техника ма'лумотларини ошириш устида ишламаётирлар. Айниқса раҳбар ходимлар ва контроль аппаратида ишловчиларнинг техника билими талабга жавоб бераолмайдиган даражада. Шу туфайли бу фабрикаларда меҳнат яхши ташкил қилинмаган, ишлабчиқарилаётган маҳсулотнинг сифати исте'молчилар талабига жавоб бераолмайди.

Айниқса пойафзал фабрикасида сифат кўрсаткичлари қониқарсиз аҳволда. Фабриканинг бирокта ҳам цехида операцияларни бажаришда ўзаро контрольлик ўрнатилмаган. Шунингдек, тайёр пойафзални контрольликдан ўтказаётган ишлабчиқаришнинг сўнгги операциясида ишловчи контролёр ишчилар ўз вазифаларига мас'улиятсизлик блан қарайдилар. Натижада энг сўнгги операциядан чиқарилиб, савдо ташкилотларига жўнатилган оёқ кийимлари сифатсиз бўлганлиги учун фабрикага қайтадан ишлаш учун қайтариб берилади. Ишлабчиқарилаётган маҳсулотнинг устидан яхши контрольлик ўрнатилмаслиги туфайли савдо ташкилотлари айрим кунларда пойафзалнинг ҳатто 25—30 процентини қайтадан ишлаш учун қайтариб берадилар. Фабрика раҳбарлари, партия ташкилоти ва касаба союз комитети эса бу камчиликларни тугатишга шу кунгача жиддий э'тибор бермай келаётир.

«Средазхиммаш» заводида ҳам (директори ўртоқ Платонов, партия комитетининг секретари ўртоқ Давидов) илғор иш методларини оммалаштиришга кам э'тибор берилмоқда. Завод бош инженери ўртоқ Жеребчук ҳузуридаги техника совети илғор иш методларини оммалаштиришда ҳеч қандай иш олиб бормаётир.

Ўтган йилдан буён берилаётган ҳамма ҳисоботларда завод цехларида 55 киши детальларни жадал усул блан ишлаётган деб, кўрсатилади. Ваҳоланки завод цехларида фақат 10 тагина станок жадал усул блан ишлашга кўчирилган. Бошқа станокларда детальларни жадал усул ва куч блан ишлашга кўчириш учун ҳеч қайдай модернизация ишлари олиб борилмаган. Жадал усул блан ишлаётган станокчилар ҳам кундалик иш блан тўла та'минланмаётир.

Темирчилик цехида детальларни чертёжларга асосан тўғри ишлабчиқариш, материал ва металларни авайлаб ишлатиш сингари ташаббуслар кўпгина машинасозлик заводларида қўллаб-қувватланган бўлса ҳам, лекин «Средазхиммаш» заводида бу масалага э'тиборсизлик блан қаралмоқда, заготовкалар керакли ўлчовдан кўра анча қалин тайёрланади. Шунинг учун уларни токарьлик станокларида ишлашда қўшимча вақт сарфланади. 2-нчи механика цехининг токари ўртоқ Карнаухов шундай деди:

— Нега биз меҳнат унумини янада оширолмаймиз? Бунга анчагина сабаблар бор. Масалан, химия аппаратларининг корпусларини ишлаш операциясини олайлик. Бу детальнинг ўртасидаги тешиги 150 миллиметр бўлиши керак. Бизга келтирилган заготовкалардаги тешиклар эса 60 — 65 миллиметр, холос. Биз ана шу детальни ишлашда қарийб 90 миллиметр қалинликда заготовкани йўнишга мажбур бўлмоқдамиз. Шунингдек детальларнинг устки қатлами ҳам анча қалинликда келтирилади. Мана бу ҳол меҳнат унумини тобора ошириб боришга халақит бериши блан бирга, кўплаб металларнинг ошиқча сарфланишига ва ишлабчиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўртоқ Карнауховнинг айтганлари ҳақиқатдан ҳам тўғри. Компрессор ва химия аппаратларининг деярлик ҳамма қисмлари чертёжлардаги ўлчовлардан кўра анча қалин тайёрланади. Шу туфайли уларни ишлашда кўплаб металл чиқиндиларга чиқарилади.

Мамлакатимизнинг кўпгина химия саноати корхоналарида Сталин номли электрохимия комбинатининг аппаратчиси ўртоқ Анна Маслованинг технология режимини а'ло даражада бошқариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси кенг қўллаб-қувватланмоқда. Технология режимини а'ло даражада бошқариш ҳисобига қўшимча минерал ўғитлар ишлабчиқариш мусобақаси тобора авж олдирилмоқда.

Афсуски, бу ажойиб ташаббус пайдо бўлган электрохимия комбинатида ўртоқ Анна Маслованинг технология режимини а'ло даражада бошқариб, қўшимча минерал ўғитлар ишлабчиқариш методлари кенг ёйилмади. 1953 йилда комбинат ма'мурияти, партия, касаба союз комитетлари ва комбинат хўжалик раҳбарлари бу муҳим масалага катта э'тибор бериб, нормал технология режимидан четга чиқиш кескин камайтирилган эди. Шунинг учун ўтган йил комбинат коллективи планга қўшимча равишда мингларча тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришга эришган эди.

Аммо бу йил комбинатнинг партия комитети ва на касаба союз комитети бу масала блан етарли шуғулланмай қўйдилар. Натижада комбинатнинг бир қатор цехларида шу йилнинг иккинчи кварталида нормал технология режимидан четга чиқиш қарийб икки баравар кўпайди. Шунинг учун комбинат цехларида хомаш'ё ва материалларнинг нормадан кўра ошиқча сарфланишига йўл қўйилди.

Комбинат ремонт-механика заводида ҳам меҳнат унумини янада ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун катта ички резервлар мавжуд. Аммо бу резервлардан тўла фойдаланилмаётир. Заводда детальларни юқори тезликдаги электр қуввати блан чиниқтириш учун махсус аппарат бор. Бу аппаратда токарьлик станоклари учун резецларнинг пластинкаларини пайвандлаш ва автогараж цехига детальларни чиниқтириб беришдан бошқа ҳеч қандай иш қилинмайди. Афсуски, бу аппаратда кўп ишларни бажариб, ишлабчиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, детальлар ишлабчиқаришини тезлаштириш ва унинг таннархини янада камайтиришга эришиш мумкин. Ремонт-механика заводида илғор иш методларини оммалаштиришга аҳамият берилмаётир. Ўтган йил заводнинг кўпгина токарьлари детальларни жадал усул блан ишлашга киришган эдилар. Ҳозир эса бу ажойиб методга э'тибор берилмай қўйилди.

Шаҳар саноат корхоналарининг раҳбарлари партия ва касаба союз ташкилотлари новаторларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, илғор иш методларини кенг ёйиш ва шу асосда меҳнат унумини оширишга алоҳида э'тибор беришлари зарур.

Л. МОРГОЛИН,
И. САТТОРОВ,
А. АБДУРАЗЗОҚОВ.

Октябрь ойининг ҳарбир кунидан тўла ва унумли фойдаланиб, пахта тайёрлаш сур‘атини тобора оширайлик!

☆ ☆ ☆

Янтоқсой далаларида

ОЧЕРК

☆ ☆ ☆

Абдукарим Сафаров барвақт туриб далага кетди. Тонг энди ёришиб келаётган эди. Узоқларда қад кўтарган баланд тоғларнинг яйдоқ чўққилари ялтирланади. Тоғ этакларида колхоз моллари ёйилиб, ўтлаб юрипти. Ундан берида — адирлар ёқалаб кенг пахтазорлар бошланади. Абдукарим йўлда кетаётиб, оёқ остида тупроққа қоришиб ётган бир ҳовуч пахтани кўриб қолди. Уни аста кафтига олди ва тупроқ-чангларини уфурди. Пахта ярқираб, чўққилардан кўтарилиб келаётган қуёш нурларидан товланиб, нафис тус олди. Абдукарим пахтани анча жойгача қўлида олиб бориб, сўнг бир чеккадаги бақатеракка қоқилган яшикка солди. У яна йўлда давом этар экан, узоқларга қаради. Ҳамаёқ бепоён пахтазор.

Йўлда тўкилиб қолган пахта Абдукарим хаёлини чулғаб олди. У атроф-теваракка қаради, карвон йўлларини кўздан кечирди ва қайси колхознинг бепарво одами эҳтиётсизлик қилиб, пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўйди, деб кўнглидан кечирди. Пахтазорлар кўп, пахтазорларда катта-кичик йўллар ҳам кўп. Ҳар йўлда ҳар куни ҳовуч-ҳовуч пахта тўкилиб қолаберса, район бўйлаб қанча ҳосилдан ажралиш мумкин. Бу жиноят, бу кўрнамаклик. Бунинг олдини олиш керак. Тома-тома кўл бўлур деганлар ота-боболаримиз. Бу мақолнинг катта маъноси бор. Бунга эсингдан чиқарма, ўртоқ!

Абдукарим шахдам юриб кетди. Ҳартомонда колхозчилар ўз участкаларига кетмоқдалар. Йўлларда автомашиналар, аравалар, суворийлар кўринади. Абдукарим колхоз даласининг тонгги қайноқ ҳаётидан завқланиб, ўз бригадасига шошарди. У, адир ёнбағрида жойлашган пахтазорига тезроқ етиб боришга ошиқарди. Броқ йўлдан териб олган пахтани эсларди. Томчи-томчи йўқ бўлса, кўл ҳам саробга айланур, — деди Абдукарим халқ мақолини кенг ма‘нода тушунишга ҳаракат қилиб. У янги пахтазорларни, ўз участкасини кўз олдига келтирди, мўл ҳосил—фаровон ҳаёт манба‘и эканлигини кўнглидан ўтказди. Чиндан ҳам илгари чўл бўлиб, ҳеч қандай ҳосил олинмаган даштларда янги экинзорлар пайдо бўлди. У ерларда миллионер колхозлар ташкил этилди. Тоғ-тоғ пахта хирмонлари қад кўтарди.

Абдукарим ўз бригадасига келиб, теримни бошлаб юборди. Қуёш тепага келиб, овқатланиш пайти келганда, ҳаммани дала шийпонига йиғиб, пахта нобудгарчилигига қарши курашни кучайтириш ва ҳосилнинг ҳаммасини давлатга топшириш ҳақида суҳбат ўтказди. Суҳбатни ўз бригадасидан бошлади.

— Бу ерларни Янтоқсой дейлилар, — деб суҳбат бошлади у, сўнг теварак-атрофни кўрсатиб, сўзида давом этди, — бу жойда илгарилари янтоқдан бошқа ҳеч нарса ўсмаган. Бу ерга ёз ойларида келган киши ташна қалбига на бир томчи сув ва на бирор дарахт соясини топа олган. Бу ерларда илдизи билан қўпорилган янтоқлар дайди шамоллардан уёқдан бўёққа думалаб учиб юрган, холос.

Чирчиқ дар‘ёси узоқлардан оқарди. Унинг ҳаётбахш сувидан фойдаланиш муаммо эди. Колхоз тузуми туфайли каналлар қазилиб, Янтоқсой массивидан янги ерлар ўзлаштирилди. Серҳосил пахтазорлар пайдо бўлди. Броқ канал қазиб, сув чиқариш мумкин бўлмаган жойларда эса ҳаёт қадимги ҳолатда — чўл бўлиб қолаберган. Сойдан юқорида қолган бўз ерларни ўзлаштириб, кенг пахтазорларга айлантириш қишлоқ меҳнаткашларининг олдида турган энг муҳим вазифа эди. Бу ҳақда ҳамма ўйларди. Партия давлатимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг бойлиги эканлигини ҳамма яхши тушунади. Шундай экан, Сойдан юқорида бўлган ерларни нима учун ўзлаштириш мумкин эмас. Наҳотки, у ерларга сув чиқариб бўлмаса, колхоз қишлоғининг каттадан-кичиги Янтоқсойга сув чиқариш масаласини сўзларди.

— Бўш келмадик, адирга сув чиқариб олдик, бу — жуда ма‘қул иш бўлдида, — деди овқатдан кейин қуюқ чойни тез-тез ичиб ўтирган колхозчилардан бири.

— Андижон диселига қойилмиз, сувни сойдан олиб, ўн метр баландликка чиқариб бермоқда, — деди суҳбатни жимгина тинглаб ўтирган навқирон йигит.

— Янтоқсой — олтинсой бўлди, — деди кулиб, теримчи қизлардан бири.

Суҳбат тобора қизиб борарди. Абдукарим ҳамкор дўстларининг завқланиб, чин юракдан айтган сўзларини ма‘қуллаб, ўз кучлари блан обод бўлган ерининг қадрига етишни, унда унган ҳосилни нобуд қилмай давлатга топширишни айтди. Йўлдан териб олган пахта тўғрисида сўзлаб, бригаданинг нюферлари, аравакашлари, пахта топширучиларини огоҳлантирди. Сўнг теримчиларга қараб:

— Биз терган пахтамиз блангина эмас, балки пахта нобудгарчилигига қарши қандай курашаётганлигимиз блан ҳам намуна кўрсатишимиз керак. Бизларни комсомол-ёшлар бригадаси дейдилар. Бригадамизда 14 комсомол а‘зоси бор. Комсомолларнинг ҳамавақт жанговар ва илғор бўлиб, ватанпарварлик намунасини кўрсатиб келганликларини яхши биласизлар. Бригаданинг ҳарбир а‘зоси кундалик нормани 1-2 баравар ошириб бажариши блан бирга, йўлда, хирмонда ва экинзорда пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўймайлик. Бир гектарда бир қоп пахта нобуд бўлса, бу — қанчақанча газлама, ёғ ва бошқа муҳим буюмларни оёқости қилиш демакдир. Шунинг учун теримда хуш‘ёр ва чаққон бўлайлик.

Колхозчилар бригада бошлиғи, колхоз бошланғич комсомол ташкилотининг секретари Абдукарим Сафаровнинг сўзларини ма‘қуллаб, пахтазорга қараб кетдилар. Уватда тўкилиб қолган пахталарни бир-икки киши териб олмоқда. Ҳамманинг диққат-э‘тибори гуж-гуж пахта чаноқларида.

Абдукарим Сафаров бошлиқ 12-нчи комсомол-ёшлар бригадаси колхознинг илғор бригадаларидандир. Бригада шу йил баҳорда Янтоқсой массивида ўзлаштирилган 200 гектар янги ердан 95 гектарини ажратиб олиб, у ерга чигит экди ва ҳар гектардан 31 центнердан пахта топшириш учун социалистик мажбурият олди.

Бригада эрта баҳорда чигитни барвақт экиб, ғўза кўчатларини биртекис ундириб олди. Ғўзаларни ер бетини баҳмалдай тўсиб ғуркираб ўсаётган бир вақтда — июнь ойининг охирида табиий фалокат юз берди. Бригада ерини дўл уриб кетди. Айрим ноумид кишилар бу ерлардан энди ҳосил унмайди, ҳайдаб тариқ экиш керак, дедилар. Броқ комсомоллар бундай кишиларнинг фикрини қат‘ий рад этиб, дўлдан кейин ер етилиши блан уни дарҳол чопиқ қилишга ва қўшимча озиқлантиришга киришдилар. Парвариш бир кун ҳам тўхтамади. Ғўза тупларидан 2—3 талан ён шохлари чиқиб, яхши ўсабошлади. Август ойининг охирларига келиб, ҳар тупда 15—20 тадан етилган кўсак пайдо бўлди. Бригаданинг ғўзаси бошқа ерларникидан фарқ қилмайдиган даражада яшнаб, чамандек очилабошлади. Ватанпарвар комсомоллар ўз аҳдларига яраша ҳосил етиштириб, уни нобуд қилмай, пешма-пеш теришга киришдилар. Шу кунларда бригада а‘золари ҳар куни йиллик планнинг 2 процента миқдорида ҳосил топширмоқдалар. Бригада етилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиштириб олса, албатта ўз аҳдини бажаради. Буни даладаги мўл ҳосил яққол кўрсатиб турипти.

Бригадада, пахтани кўп териш ҳақида якка мажбурият олиб ишловчилар кундан-кун кўпаймоқда. Комсомол а‘золаридан Нишонбой Дўсматов, Абдот Сайдазов, Алибой Арслоновлар ҳар куни 150—200 килограммдан пахта термоқдалар. Пахта териш машиналари пахта теримида колхозга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Қош қорайиб юлдузлар чарақлаганда бригада а‘золари теримдан чиқиб, хирмонда тўпландилар, Сафаров ўз бригадасидаги 30 а‘зонинг кўпчилиги ғайрат блан ишлаб, кундалик пахта териш нормасини ошириб бажарганлигини билди. У ўз шериклари блан мусаффо кез оқшомида уйга қайтар экан, йўл беткасидаги ерларга қараб борарди. Ҳали қанча-қанча терилмаган пахталар турипти. Ғўза туплари оқариб кўринади, улар Сафаровга «кечикяапсиз, бизни тез териб олинглар» дегандай туюлади.

Сафаров шериклари блан хайрлашиб, колхоз идорасига кетди. Идорада раис блан партком секретарини учратиб, колхознинг шу кун қанча пахта топширганлигини сўради. У, бир ярим процентга яқин пахта топширганлигини билиб, хомуш ўлтириб қолди.

— Пахта топширишнинг сур‘ати паст, — деди раис сводкани кўздан кечириб, — кўп бригадалар орқада қолаяпти.

— Кўп бригадалар эмас, балки бутун колхозимиз орқада қоляпти, — деди Сафаров сўзга қўшилиб. У, ўз бригадасининг а‘золари ҳам бугун икки процентга яқин пахта терганлигини айтиб, бу рақамдан коллектив ҳеч қаноатланмаганлигини гапирди. Унинг юзларида ташвиш аломати сезиларди. Овози пўриллаб пешонасида ажинлар пайдо бўлди, сўнг дераза томонга қараб салмоқдор сўзлади:

— Октябрь ойининг иккинчи ярмига ўтдик. Мавсумнинг энг қулай ва қизғин пайти ўтиб бормоқда. Колхозимиз эса йиллик планнинг ярмини ҳам бажаргани йўқ. Шундай сур‘ат блан бораверсак, ҳаммадан кейинда қолиб шарманда бўламиз.

Партком секретари Сафаров сўзини ма‘қуллаб, теримчиларнинг иш унуми паст эканлигини ва машина блан пахта териш ҳам қониқарсиз аҳволда эканлигини билдирди.

Шу кечаси правлениеда бригада ва звено бошлиқлари, табельчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг йиғилиши бўлди. Йиғилишда қолоқ бригадаларнинг ишидаги камчиликлар танқид қилинди. 5,6 ва 7 бригадалар пахтани кам топшираётганлиги муҳокама қилиниб, бригада бошлиқларига аниқ кўрсатмалар берилди.

Сафаров йиғилишда сўзга чиқди. У, ўз сўзини эрта блан йўлдан териб олган пахталардан бошлади. Қолоқ бригадаларнинг хатоси пахта нобудгарчилигига қарши курашни бўшаштириб юборганлигида эканлигини айтди. У, айрим бригадаларда йўлларда тўкилган пахтани теришга кишилар ажратилмаганлигини, шунингдек, ба‘зи колхозчилар оёқ остларида тўкилиб ётган пахтани худди кўрмагандек, бамайлихотир ўтиб кетишларини танқид қилди. Сўнг илғорлар сафини кўпайтириш лозимлигини айтди. У колхознинг Холқиз Абдуқулова, Н. Фаталиева, Ж. Холжуманова, У. Саримсоқова каби ўнлаб илғор а‘золари мавсум бошидан буён 5 тоннадан пахта терганликларини мисолга келтирди.

Йиғилиш анча вақтгача чўзилди. Абдукарим уйига қайтиб, дам олиб яна тонг отиши блан ўз участкасига шошилди. У ҳамон ўз бригадасининг, шунингдек колхознинг йиғим-теримда кечикаётганлигини ўйларди. Сафаров ҳарбир теримчининг иш унумини ошириш ва соатлик графикка қат‘ий риоя қилишга катта э‘тибор берабошлади. У ҳарбир колхозчининг қанча пахта терганлигини аниқлаш ва терилган пахтани дарҳол пунктга жўнатиш учун хирмонга келди.

Сафаров бригадасидан Тўйтепа тайёрлов пунктига янги пахта ҳосили жўнатилди. Бригада аравакаши йўлда келар экан, машиналарининг, араволарнинг ғизиллаб ўтаётганлигини, қўш отлар тортиб бораётган бричкаларни кўрди. Уларнинг ҳаммасига пахта ортилган. Оқ олтин карвонлари келмоқда. Бригада аравакашининг карвон йўлларида этак тутган кишиларга кўзи тушди. Ана, пунктдан бир аёл чиқиб, тош йўлга қараб юрди. Унинг ёнида сумка тутган ўғилчаси ҳам бор. Улар Тўйтепа йўлида тўкилган пахталарни бирма-бир териб олмоқдалар.

Аравакаш бригада бошлиғи Сафаровнинг гапини эслади. У, аравани бироз тўхтатиб, шиббаланган қанорларни кўздан кечирди. Бир қанорнинг ён чоки сўкилиб, пахта тўкилаётганини кўрди. У, ёрилган қанорни аравانинг ўртасига олди ва уни боғлаб, отларга «чў» деди.

Карвон йўлларида пахта қутилари учрайди. Тайёрлов пунктлари ва колхозлар ўз территорияларида тўкилган пахтани теріб олиш учун йўл четларига яшиклар ўрнатганлар. Уни ҳамма эсида тутиши керак. Тўкилган пахтани дарҳол ердан кўтариб, яшикларга солиш ҳарбир граждининг муқаддас бурчидир.

Тўйтепа пахта тайёрлаш пунктининг мудири пункт ишчиларидан Ергинбоева ва Минғабуддиновларга кўрсатма бермоқда. Ергинбоева Тўйтепадан Чиғириқача, Минғабуддинова эса Тўйтепадан Қорасувгача бўлган катта йўлда қатнаб, тўкилган пахталарни теріб оладилар. Улар ҳар куни икки марта йўлга қатнайдилар. Улар пунктга этакни пахта блан тўлдириб қайтадилар.

— Бўлари йиғиб олмасак, оёқ остида, қор-ёмғирга қолиб нобуд бўлиб кетади, — дейди Ергинбоева ҳозиргина йўлдан териб келган пахтасини кўрсатар экан, У, пахтани кафтига олиб, илашган хас-чўплардан тозалади. Унинг эўр диқкат ва меҳр блан пахтани майда хасгубордан тозалаётганлигини кўрган киши, халқимизнинг олтин пахтамизнинг қадр-қийматини нақадар му‘табар тутганлигини аниқ-равшан билаоларди.

Сафаров тайёрлов пунктидан қайтган аравакашдан йўлда тўкилган пахталарни теріб олаётган кишиларни кўрганлигини эшитди. Абдукарим аравакашнинг сўзини ма‘қуллаб шиббаланган янги қанорларни аравага ортар экан, сўзлади:

— Йўлда эҳтиёт бўлиш керак. Ортилган олтин совғанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай давлатга етказиб беришга ҳаракат қилиш керак. Биз ҳам бу ерда хирмонда ва пахтазорда бу сўзга амал қилиб ишламоқдамиз.

Аравакаш бригада бошлиғининг сўзини тинглаб, провардида жавоб қайтарди:

— Бизларду бу кечаги Янтоқсойда етиштирган пахтамизнинг сўнгги граммигача ҳам қолдирмай заводга топшириш учун ҳаракат қилмоқдамиз, аммо, районимизнинг мазаси бўлмаяптида. Районимиз пахта топширишда область рўйхатининг охирига тушиб қолибди.

Сафаров аравакашнинг ташвишланиб айтаётган сўзларини бош қимирлатиб тасдиқлади. Сўнг:

— Кечикишни халқ кечирмайди. Қачонгача орқада қолиш мумкин. Тўғри айтасиз, орқада қоляпмиз. Бу нуқсонни фақат ўзимиздан деб билиш керак — деди.

Аравакаш ортилган қанорларнинг мустаҳкам ўрнатилганлигини кўздан кечириб бўлганидан кейин, аравага чиқди. Сафаровнинг сўзига нима учундир жавоб қайтармади. Унинг қўлида район газетаси бор эди. Газетада колхозларнинг пахта топшириш сводкаси кўзга ташланарди. Аравакаш бир сводкага ва бир пахта далаларига қараб отга зарда блан бир қамчи урди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,

Ўртачирчиқ район, Ворошилов номли колхоз.



Мирзачўлдаги пахта тайёрлаш пунктида машинада келтирилган пахта механизмлар ёрдами блан бўшатилмоқда.
А. Аверянов фотоси.

МАЖБУРИЯТ ШАРАФ БЛАН БАЖАРИЛМОҚДА

Октябрьолди социалистик мусобақасини кенг қизитиб юборган Бекобод районидаги Сталин номли колхоз а‘золари пахта йиғим-теримини тобора тезлаштирмоқдалар. 10—15 мингчилар ҳаракатига қўшилган юзлаб теримчилар кундалик нормаларини ошириб бажариб, бригадалар ўртасида социалистик мусобақада яхши натижаларга эришмоқдалар.

Чевар теримчилардан Чинни Хушвақтова, Холмомо Кўбаева, Улбош Раҳмонова, Мастура Қодирова ва шуларга ўхшаш кўпгина илғорлар кунига 160—170 килограммдан пахта термоқдалар. Ўртоқ Бозорбой Саидов бошлиқ бригада а‘золари фидокорона меҳнат қилиб, колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғини қўлдан бермай келаётирлар.

Шу колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Тей Николай, Холиқ Ўлмасов бошлиқ трактор бригадаларининг илғор механиқ-ҳайдовчилари пахта теришда энг юқори кўрсатгичларга эришиб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовар бўлмоқдалар.

Т. СУННАТОВ.

Бекобод район партия комитетининг 3-МТС зонаси бўйича инструктори.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА АСОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг тарихий Пленумлари қарорларидан руҳланган Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз а‘золари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар етиштирилган мўл ҳосилни сра нобуд қилмай, тезда йиғиб-териб олиб давлатга топшириш учун бутун кучни сафарбар қилаётирлар.

Бригадалар ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг кенг қучайтирилиш натижасида меҳнат унуми кундан-кунга ошаётир. Қумри Рўзиматова бошлиқ бригада а‘золари 68 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олиш учун эўр ғайрат блан ишламоқдалар. Бригадада йиғим-терим ишлари яхши уюштирилганлиги сабабли, теримчилар кундалик нормаларини ошириб бажараётирлар.

Басти Толипова бошлиқ звено а‘золари Ҳасанбой Йўлдошев звеносини социалистик мусобақага чақирган эди. Бу мусобақа ҳозир ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Ҳар иккала звено а‘золари кун сайин иш унумини ошириб, йиллик планни 20 октябрьгача бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бригадада чевар теримчиларнинг сафи кундан-кунга ўсиб бораётир. Басти Толипова, Зайтра Ҳасанбоева, Зайтра Йўлдошева, Ҳакима Раҳматуллаева, Ҳафиза Ўмарова каби илғор теримчилар кунига 140 — 175 килограммдан пахта териб, кундалик нормани 2 — 3 ҳисса қилиб бажараётирлар.

Колхоз шу кунларда 2 — 2,5 процент миқдорида пахта тайёрламоқда. 14 октябрьга қадар колхоз йиллик планнинг 51,6 процент миқдорида давлатга пахта топширди.

Колхоз пахтакорлари пахта тайёрлаш давлат планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 37 йиллиги кунигача бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

С. МУСЛИМОВ.

Сушилкалар қурилишига э‘тиборни кучайтирайлик

(Область колхоз қурилиши бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. ФАЙЗИЕВ блан суҳбат)

Бу йил республикамиз, шу жумладан областимиз колхоз далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилди. Ана шу ҳосилни йиғиб-териб олиш ва уни ўз вақтида давлатга топширишда сушилкалар ҳамда йиғилган пахталарни намгарчиликдан сақловчи пахта саройлари катта роль ўйнайди.

Областимиздаги кўпчилик район ва колхоз раҳбарлари пахта тайёрлашнинг бу муҳим соҳасига катта э‘тибор блан қарамоқдалар. Улар ўтган йили қурилган сушилкаларни сифатли ремонт қилиш, бу йил қурилиши ва ишга туширилиши лозим бўлган сушилка ва саройларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бу соҳада, Сирдар‘ё райони бошқаларга намуна бўлмоқда. Район колхозларида берилган планга мувофиқ 1 октябрьгача 12 та сушилка қурилиб тамомланиши керак эди. Район ва колхоз раҳбарларининг масалага тўғри ёндошганликлари, қурилиш ишларига яқиндан ёрдам бериб турганликлари туфайли 12 ўрнига 13 та янги сушилка қуриб битказилди. Шунингдек, ўтган йили қурилган 21 сушилканинг ҳаммаси сифатли ремонтдан чиқарилди, 12 дан ортиқ пахта саройи қурилди. Бу ишда айниқса Сталин номли колхоз а‘золари бошқаларга намуна кўрсатдилар. Улар эски сушилкаларни ремонт қилиш ва янгиларини қуриб тамомлаш ишини район бўйича биринчи бўлиб тугалладилар.

Оққўрғон район колхозларида ҳам сушилкалар ва саройлар қуриш, эскиларини ремонт қилиш ишлари бирмунча яхши. Бу район колхозларида планда кўрсатилган 18 ўрнига 21 та сушилка қурилиши бошланган эди. Улардан шу кунгача 17 таси тайёр қилинди. Ўтган йилги сушилкалар деярли 100 процент ремонтдан чиқарилди.

Шунингдек, Верхне-волинск район колхозларида пахтани қуритиш ва сақлаш ишига яхши тайёргарлик кўрилмоқда. Райондаги Куйбишев номли колхозда 8 ўрнига 14 та пахта саройи қурилди. Сушилкалар қуриш ва ремонт қилиш ишлари ҳам тугалланай деб қолди. Шу райондаги Энгельс номли колхозда эса қурилиш ва ремонт қилиш ишлари 100 процент бажарилди.

Лекин, бу блан областимиздаги ҳамма район ва колхозларда ҳам пахта тайёрлашнинг бу муҳим соҳасига э‘тибор блан қаралаётир, деб бўлмайди. Кўпгина район ҳамда колхоз раҳбарлари бу мас‘улиятли ишга ўтакетган даражада бепарволик блан қараб келмоқдалар. Улар ўтган йили юз берган хато ва камчиликдан тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар. Ёғингарчилик даврида содир бўладиган қийинчиликлар бу беғам раҳбарларни ташвишлантирмаётир. Шу вақтга қадар ўнлаб пахта сушилкалари ва саройлари қурилиб тамомлангани йўқ. Ўтган йилги сушилкаларни ремонт қилиш ишларига ҳам бепарволик блан қаралмоқда.

Ховос, Пискент, Бўка каби қатор районларда бу соҳа бўйича йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар юқоридаги фикримизнинг яққол исботи бўлаолади.

Ховос районидаги колхозларда бу йил 12 та сушилка, 14 та саройқурилиши керак эди. Лекин, район раҳбарларининг айби блан бу иш ҳалигача тугалланмаган. Планда кўрсатилган 12 ўрнига шу кунга қадар фақат 6 та сушилка, 14 ўрнига 2 та сарой қурилиши тамомланди. Ваҳоланки, бу қурилишларнинг ҳаммаси планда белгиланган муддат бўйича 1 октябрьгача қуриб бўлиниши керак эди.

Пискент районида (район партия комитетининг секретари Латипов, район ижроия комитетининг раиси Абдуллаев ўртоқлар) аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу район колхозларида қурилиши лозим бўлган 13 сушилкадан эндигина 2 таси тайёр бўлди, ўтган йилги 10 сушилкадан эса шу кунгача фақат 4 таси ремонт қилинди.

Шунингдек, Бўка районида 17 ўрнига 5 та, Октябрь районида 14 ўрнига 4 та-гина сушилка қурилди. Бу район колхозларида ўтган йилги сушилкаларни ремонт қилиш ишига ҳам мутлақо бепарволик блан қараб келинмоқда.

Бу ишнинг ана шундай суст кашлик блан бориши натижасида область колхозлари бўйича бу йил қурилиши лозим бўлган 216 та янги сушилкадан эндигина 87 таси тайёр бўлди. 248 эски сушилкадан эса фақат 181 таси ремонт қилинди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, область матлубот союзи раҳбарларига (раиси ўртоқ Муҳиддинов) область партия ва область ижроия комитети тамонидан шу йил 15 июньда аниқ топшириқ берилган эди. Лекин, шунга қарамай улар район колхозларида қурилаётган сушилкаларни зарур материаллар блан та‘минлаш ишига ўтакетган даражада мас‘улиятсизлик блан қараб келмоқдалар.

Кўпгина колхозлардаги сушилкалар шу вақтга қадар вентилятор, трансмиссия, ремен каби асбоблар блан та‘минлаймаган. Қурилиш ишлари учун эса ўтга чидамли ғиштлар етишмайди.

Область матлубот союзи раҳбарлари ўз ишидаги бу камчиликларни ҳисобга олишлари, сушилкаларни материаллар блан тўла та‘минлаш чораларини кўришлари керак.

Шу блан бир қаторда район ва колхоз раҳбарлари ҳам пахта тайёрлашнинг бу муҳим соҳасига эўр э‘тибор беришлари, юз берган камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашишлари, ҳозирги кунлардан унумли фойдаланишлари лозим.

Пахта сифатининг бузилишига йўл қўйилмоқда

... Агар кузатиб турсангиз, тайёрлаш пунктидан пахтаси қабул қилинмай колхозга қайтарилган арава ва машиналарни тез-тез учратасиз. Бу араволарнинг кўпи пахта тайёрлаш пунктига яқин бўлган «XIX партс‘езд» колхозига қараб бурилади. 10-нчи бригададан келтирилган ва ҳозиргина қайтарилган пахта нам эди. Орадан сал ўтмай колхознинг яна 2 арава пахтаси колхозга қайтарилди. Қисқаси бу колхозда пахтани ҳом териш, яхши қуритмаслик ҳоллари учрамоқда. Бу албатта колхозга зарар етказади. Пахта нобуд бўлади, унинг қиммати пасаяди. Колхоз раҳбарлари бундай камчиликларга ўтган йили ҳам йўл қўйиб, натижада, пахта тайёрлаш плани бажарилмаган эди. Шунга қарамасдан бу йил ҳам колхозда пахта териш ва уни давлатга топшириш яхши уюштирилмади. Теримнинг сифати устида контроллик йўқ. Бригада бошлиқлари, хирмонда ишлаётган колхозчилар пахтани нормаль қуритишга аҳамият бермаётирлар. Нариди-бери ёйилган пахталар қуримасдан копланиб аравага ортилади. Лекин нам бўлганидан пунктдан қайтарилади. Ҳом, нам пахта тоза пахталарнинг сифатини бузаётир. Бунинг устига такрор-такрор ёйилаётган, аравага қайта-қайта ортилаётган пахталар нобуд бўлаётир.

Бу нуқсонлар колхоз раиси ўртоқ Холматов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Юсуповларни ҳеч бир ташвишга солмаётир. Аксинча, улар, сон кетидан қувиб, пахтанинг ҳом ва сифатсиз теришига йўл қўймоқдалар.

Райондаги Маленков номли колхозда ҳам пахта сифатсиз терилмоқда. Масалан, колхоз пахта терилабошлагандан бери 40 процент пахтани 2-нчи сортга топширган. Пахтани сортларга ажратиб теришнинг бузилаётганлигига колхозчиларнинг кўпхонали этаклар, қоп-қанорлар блан етарли та‘минланмаганлиги сабаб бўлмоқда. Колхозда 105 та кўпхонали этак, 170 дан ортиқ қоп-қанор етишмайди. Шунинг учун колхоз кунига 1,5 процент ўрнига 0,7—0,8 процентгина пахта териб топширмоқда.

Бу колхозда кунлик графикни ортиғи блан бажариш учун барча имкониятлар бор. Лекин, колхоз раиси Ўрозкелдиев, партия ташкилотининг секретари Холиқов ўртоқлар ана шу имкониятларни пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этмаётирлар. Натижада йиғим-теримга ажратилган кучнинг ҳаммаси теримга тўла чиқмаётир, кўп теримчилар кундалик нормаларини бажармайдилар.

Шунингдек, райондаги Молотов номли колхозда ҳам пахта териш ва уни давлатга топшириш жуда суст бормоқда. Колхозда сентябрь ойидагидек, октябрьда ҳам пахта териш ва уни тайёрлаш юзасидан берилган график бирор кун ҳам бажарилмади. Колхозда ишчи кучи ва транспорт воситаларидан тўла ва унумли фойдаланилмаётир. Ба‘зи колхозчилар теримга кеч чиқиб, эрта қайтадилар.

Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Нахипов) теримчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитларни яратиб бермаган. Айрим бригадаларда болалар боқчалари ва яслилари, шунингдек, иссиқ овқат ташкил қилинган эмас, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар бўшаштириб юборилган.

Бригадаларда мусобақа натижалари вақти-вақтида э‘лон қилиб турилмайди, деворий газета ва «Жанговар варақа»лар чиқарилмайди. Колхозчилар орасида илғорлар тажрибаси оммалаштирилмайди. Шунинг учун колхозда терим сур‘ати пасайиб кетган. Лекин колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бунга э‘тиборсизлик блан қараб келмоқда.

Чиноз район партия ва совет ташкилотлари теримни ёмон уюштирган ва пахта тайёрлашда орқада қолаётган колхозларда аҳволни яхшилаш учун тезда амалий тадбирларни кўришлари керак.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ.

Механик қиз

Бирдан танимадим, кечир азизим,
Пахтазорда кўриб, туриб қолдим тик.
Зангор машинанга термулиб кўзим,
Ўйладим —
қандай қиз?
Ким бу механик?..
Гўё кечагидек эсимда ҳали,
Ўтган куз шу жойга келганим.
Шу картада эди.
Терим маҳали —
Меҳнатингни кўриб қойил қолганим.
Сочинг бошга чамбар,
қўлларинг чаққон,
Эгатдан-эгатга юрганинг,
Манглайинг тўрлаган,
белингда фартуқ —
Фурсатни қизғониб пахта терганинг.
Ҳамон кўз олдимда —
оппоқ пахталарнинг —
Яп-яроқ орасидан кулиб боққани.
Шу йўлдан тизилиб, пунктга томон,
Пахта карвонининг оққани...

Асл чевар эдинг, донгдор теримчи,
Машҳур эди номинг, мақтарди ҳамма.
Ҳозир механиксан!
Ҳеч таажжуб эмас!
Теримда шуҳратинг ортипти яна.
Эсимда,
Даладан бирга қайтгандик,
Икки центнер тергандинг ўша кун.
Машинанг забардаст, эпчил кўринади,
Уч тонна бўлипти кечгача бугун!
Балли меҳнатсевар, яша меҳрибоним,
Ғайрат қил,
Ватанга кўпроқ олтин бер!
Нега қувонмайин —
Ўтган теримда этак тутган қўллар —
агдарса бункер.
Ҳаворанг машинанг эгат оралар,
Эпчил қўлларингда айланади руль.
Ҳар кун қад кўтарсин тоғ-тоғ хирмонлар,
Вақтингни олмайин, азизим, оқ йўл!

Д. ФАЙЗИЕВ.

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

ПЕКИН, 16 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: кеча Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг биринчи ялпи мажлиси бўлди. Мажлисда ташкилий масалалар муҳокама қилинди ва кенгашнинг иши ҳақида қарор қабул қилинди. Мажлис қатнашчилари «Чет давлатлар блан тузилган шартномаларни ратификация қилиш ҳақидаги қарорлар» проектини тасдиқладилар. Бу проект халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг доимий комитети муҳокамасига топширилади.

Бош министр Чжоу Энь-лайнинг Хитой блан Совет Иттифоқи ўртасида бўлган музокаралар ҳақидаги докладидан кейин мажлис қатнашчилари аралаш хитой-совет жамиятларидаги совет ҳиссасини Хитойга топшириш тўғрисидаги Хитой-Совет битимини ва фан ҳамда техника соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Хитой-Совет битимини тасдиқладилар.

Мажлисда Ли Фу-чуньнинг докладидан кейин маданий ҳамкорлик ва фан ҳамда техника соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Хитой-Албания битимлари ҳам тасдиқланди.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг Доимий комитетида

ПЕКИН, 17 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: 1-нчи чақириқ халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг Доимий комитети кеча ўзининг биринчи мажлисини ўтказди. Мажлисда Давлат кенгаши бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лайнинг яқинда олиб борилган Хитой-Совет музокаралари тўғрисидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Мажлис Хитой-Совет музокараларининг натижаларидан қаноат ҳосил қилганлигини билдирди ва Давлат кенгашининг бош министри ҳамда ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лайнинг докладини яқдиллик блан ма'қуллади.

Халқ демократияси мамлакатлари КХДРга ёрдам бермоқдалар

ПХЕНЬЯН, 16 октябрь. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлиги хабар беради: Халқ демократияси мамлакатлари корейс халқига халқ хўжалигини тиклашда ва ривожлантиришда амалий ёрдам бермоқдалар. Сентябрь ойининг ўзидагина қардош мамлакатларнинг халқлари Кореяга кўп миқдорда станоклар, машиналар ва хилма-хил материаллар юбордилар. Польшадан темир йўл изларн, Чехословакиядан компрессорлар, тош майдалайдиган машиналар ва радиоприёмниклар, Германия Демократик Республикасидан электролебедкалар, токарлик станоклари ва марганец, Руминиядан газета қоғози ва бензин, Болгариядан дераза ойнаси, Венгриядан токарлик ва пармалаш станоклари келтирилди. Мўғулистон Халқ Республикаси бирнеча минг бош чорва моллари жўнатди.

Германия Демократик Республикасида халқ сайлови

БЕРЛИН, 17 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг ҳамма округларида ва Берлиннинг демократик секторида Халқ палатасига ва округ мажлисларига бўлаётган сайлов сайловчиларнинг жуда активлиги блан ўтмоқда.

Эрталаб соат 11 гача республиканинг 246 жамоасида рўйхатдаги ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлди. Сталинштадт шаҳрида (Франкфурт-Одер округи) эрталаб соат 10 гача сайловчиларнинг 83 проценти сайловда қатнашди, Йоганнеор генштадт шаҳрида (Карл-Маркс штадт округи) кундуз соат 12 гача сайловчиларнинг 80 процентдан кўпроғи овоз бериб бўлди.

Германия Демократик Республикасида бўлган ғарбий германияли меҳмонлар Халқ палатасига ва округ мажлисларига сайлов баланд руҳ блан ўтаётганлигини ва чинакам демократик сайлов эканлигини қайд қилиб ўтмоқдалар.

Софияда Болгария-Совет дўстлиги тарихи музей-виставкаси ташкил қилинади

СОФИЯ, 16 октябрь (ТАСС). Болгария Халқ Республикаси министрлар Советининг қарорига биноан Софияда Болгария-Совет дўстлиги тарихи музей-виставкаси очилади. Музей-виставкани ташкил қилиш Болгария-Совет жамиятлари союзи Марказий кенгашига топширилди. Музей болгар-совет дўстлигининг асрлар бўйи давом этиб келаётан тарихий илдизларини, иккала қардош славян халқининг келиб чиқишига доир масалаларни, умумий иқтисодий, сиёсий ва маданий манфаатларни ва душманларга қарши биргаликда олиб борилган курашни ўрганади. Музей ҳузурида 60 та машҳур олимлар—тарихчилар, адабиётшуносла, тилшуносла ва бошқа илмий ходимлардан иборат илмий коллектив тузилади.

Чехословакия блан ГДР ўртасида дар'ё йўлларидан ўзаро фойдаланиш ҳақида битим тузилди

ПРАГА, 16 октябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради: Кеча Берлинда Германия Демократик Республикаси блан Чехословакия Республикаси ўртасида дар'ё йўлларидан ўзаро фойдаланиш ҳақида битим имзоланди.

Бу битим Германия Демократик Республикаси блан Чехословакия Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва дўстона муносабатларни кенгайтириш ишида олга қараб қўйилган янги қадамдир.

Хитой ва Албания халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамланмоқда

ПЕКИН, 16 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: 14 октябрьда Пекинда маданий ҳамкорлик тўғрисида Хитой-Албания битими ва техника ҳамкорлиги тўғрисида Хитой-Албания битими имзоланди.

БМТ Бош Ассамблеяси 9-нчи сессиясининг раисига А. Я. Вишинский мактуби

НЬЮ-ЙОРК, 16 октябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеяси 9-нчи сессиясидаги СССР делегациясининг бошлиғи А. Я. Вишинский 15 октябрьда БМТ Бош Ассамблеяси 9-нчи сессиясининг раиси Ван Клеффенсга мактуб юборди, мактубда «Хитой Халқ Республикасига қарши қаратилган агрессив ҳаракатлар тўғрисидаги ва бу ҳаракатлар учун АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг жавобгарлиги тўғрисидаги» моддани шошилинч ва муҳим масала сифатида Бош Ассамблеянинг ҳозирги сессияси кун тартибига киритишни сўрайди.

Мактубга изоҳат хати, шунингдек бу масала юзасидан резолюция проекти илова қилинган.

Хитой Халқ Республикасига қарши қаратилган агрессив ҳаракатлар ҳақида ва бу ҳаракатлар учун АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг жавобгарлиги тўғрисида изоҳат хати

«Кореядаги уруш тўхтатилганлиги ва Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланганлиги натижасида ҳал этилмаган бошқа халқаро проблемаларни ҳал этиш ва халқаро кескинликни янада камайтириш учун қулай шароит вужудга келди. Бу — Осиёга ва Узоқ Шарққа ҳам тааллуқлидир, Осиёда ва Узоқ Шарқда бу районда тинчликни сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган лекин ҳозиргача ҳал этилмай қолган проблемалар бор. Ана шундай муҳим проблемалардан бири Тайвань проблемасидир. Хитойнинг суверен ҳуқуқларини ва тўғришли халқаро битимларни паймол қилиб Тайвань АҚШнинг қуролли кучлари томонидан зўрлик блан босиб олинди ва АҚШнинг ҳарбий контроли остида қолиб келмоқда

Кейинги вақтда Тайвань ва Хитой денгизлари районидаги аҳвол яхшиланиш ўрнида турсин, балки, аксинча, АҚШ 7-нчи флоти контроль қилиб турган қуролли кучларнинг Хитой Халқ Республикасига қарши кучайиб кетган агрессив ҳаракатлари муносабати блан кескинлашди. Бу нарса гоминданчилар ҳарбий кемалари ва самолётларининг Хитой шаҳарларига ҳамда соҳил бўйидаги оролларга ғиғвогарлик ниятида доимо ҳужум қилиб келаётганликларида ўз ифодасини топди.

Хитой Халқ Республикасига қарши ғиғвогарлик ниятида қилинаётган ҳаракатларда АҚШнинг қуролли кучлари—ҳарбий-денгиз кучлари ва ҳарбий авиацияси бевосита қатнашмоқда. АҚШнинг кемалари Хитой соҳиллари бўйида намойишкорона суратда қатнаб юради ва ХХРга қарши ғиғвогарлик ҳаракатларини қилаётган чанкайшичи кемаларни ва самолётларни ҳимоя қилмоқда.

Гоминданчиларнинг кемалари ва самолётлари турли мамлакатларнинг очиқ денгиздаги савдо кемаларига босқинчиларча ҳужум қилмоқдалар, бу кемаларни ушлаб олмоқдалар ва уларнинг экипажларига нисбатан қўпол зўровонликларни қилмоқдалар.

АҚШнинг ана шу хил ҳаракатлари натижасида Тайвань ва Хитой денгизлари районида юз берган аҳвол бу районни Узоқ Шарқда бундан келиб чиқадиган бутун хавфли оқибатлари блан уруш ўчоғига айлантиради.

АҚШ қуролли кучларининг бу рандаги агрессив ҳаракатлари натижасида шундай хавфли аҳвол юз бермоқдаки, бундай аҳвол халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун жиддий оқибатларни туғдириши мумкин. Вужудга келган аҳвол учун АҚШдаги агрессив доиралар бевосита жавобгардир. Бу доиралар Кореяда уруш тўхтатилганидан ва Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланганидан кейин Тайвань ва Хитой денгизлари районини янги уруш ўчоғига айлантирмоқдалар, тинчликка жиддий хавф туғдирмоқдалар ва халқаро вазиятни кескинлаштирмоқдалар.

СССР делегацияси, Узоқ Шарқда тинчликка ва хавфсизликка тахдид қилаётган мана бундай аҳвол бу шошилинч ва муҳим масалани Бош Ассамблеянинг кун тартибига янги модда сифатида киритиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди».

Хитой Халқ Республикасига қарши қаратилган агрессив ҳаракатлар ҳақида ва бу ҳаракатлар учун АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг жавобгарлиги тўғрисида резолюция проекти

«Бош Ассамблея,

Кейинги вақтда Кореядаги уруш тўхтаганлиги ва Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланганлиги натижасида ҳал этилмаган бошқа халқаро проблемаларни ҳал этиш ва халқаро кескинликни янада камайтириш учун қулай шароитлар вужудга келганлигини та'кидлаб,

Тайвань ороли ва Хитой денгизлари районида Қўшма Штатлар контролидаги қуролли кучлар томонидан Хитойнинг шаҳарларига ва соҳил бўйидаги районларига ҳеҳбир сабабсиз қуролли ҳужумлар қилишдан иборат агрессив ҳаракатлар бўлаётганлигини, бу агрессив ҳаракатлар мазкур районни янги уруш ўчоғига айлантираётганлигини ва тинчликка жиддий таҳдид қилаётганлигини ташвиш блан та'кидлаб,

Мазкур районда жойлашган қуролли кучлар томонидан очиқ денгизда турли мамлакатларнинг савдо кемаларига босқинчиларча ҳужум қилиш, бу кемаларни ушлаб олиш ва уларнинг экипажларига нисбатан қўпол равишда зўровонлик қилиш ҳоллари бўлганлигини аниқлаб,

Узоқ Шарқда тинчликни ва хавфсизликни сақлашга хавф туғдираётган бу хил агрессив ҳаракатларни қоралайди.

Бу районда юз берган аҳвол учун жавобгар бўлган Қўшма Штатлар ҳукуматига ана шундай агрессив ҳаракатларни, шунингдек турли мамлакатларнинг савдо кемаларига босқинчиларча қилинаётган ҳужумларни тўхтатиш юзасидан зарур чоралар кўришни тавсия қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг IX сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 16 октябрь. (ТАСС). Сиёсий комитетнинг 15 октябрьдаги кундузги мажлисида қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш масалалари юзасидан бўлган дискуссияда Австралия, Голландия, Греция, Англия, Франция ва Совет иттифоқи вакиллари сўзладилар.

Австралия вакили муҳокама қилинаётган проблемаларни ўрганиш учун Сиёсий комитетнинг кичик комитетини тузиш ҳақида ўзи илгари ўртага қўйган идеяни ёқлаб гапирди, лекин бу кичик комитет олдига «томонларни келиштириш» вазифасини қўймади.

Голландия вакили Англия-Франция таклифларини, шунингдек атом қуввати масаласидаги Америка таклифларини тамомила қўллаб-қувватлаб, совет таклифларининг тинчликсеварлик характери шубҳали, деб кўрсатишга уринди.

Греция вакили қуролсизланиш масалалари юзасидан совет таклифларининг тақдим этилиши ижобий факт эканлигини қониқиш блан та'кидлаб ўтди. Шу блан бирга, Греция вакили контроль органнинг ваколатлари масаласида америка-инглиз-француз делегациялари нуқтаи назарини қувватлаб, Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий а'зоси қуролсизланиш блан боғлиқ масалалар кўрилган вақтда «вето ҳуқуқи»ни қўлланмаслик юзасидан расмий мажбурият олсин, деб таклиф қилди.

Англия вакили Ллойд узундан-узоқ нутқида контроль органнинг характери, функциялари ва ваколатлари масаласида ғарбий давлатларнинг позициясини баён қилиб берди. У, ўз нутқида совет таклифларида инглиз-француз меморандуми асос қилиб олинмаган деган таассуротни қолдиришга уринди. Франция вакили Мок Англия вакилининг нутқига тамомила қўшилганлигини айтди.

Сўнгра СССР вакили А. Я. Вишинский сўзлади. У, Совет ҳукуматининг совет резолюция проектида баён қилинган позициясини яна баён қилиб берди ва, муҳокама қилинаётган масала юзасидан ҳозирги вақтда принцип жиҳатидан келишиб олиш ва кейинчалик ана шу келишувни амалга оширишнинг тафсилот ва методларини жиддий муҳокама қилиш муҳимдир, деди.

А. Я. Вишинский Англия вакилининг, совет таклифлари 1954 йил 11 июньдаги инглиз-француз таклифларини сра асос қилиб олмаган, деган да'вси тамомила асоссиз эканлигини кўрсатди. Совет вакили совет таклифларидаги ҳам, инглиз-француз таклифларидаги ҳам принципиал қоидалар бир-бирига тамомила бир хил эканлигини ёки бир-бирига жуда яқин эканлигини яққол кўрсатиб берди. Совет таклифлари блан инглиз-француз таклифлари ўртасидаги тафовутлар, деди А. Я. Вишинский, қуролярроғларни камайтириш ва атом қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш ҳақидаги ба'зи асосий проблемаларга ёндашиш ёки уларни ҳал этиш методларига тааллуқлидир, холос.

Англия парламент делегацияси Москвадан жўнаб кетди

СССР Олий Советининг таклифига биноан Англия парламент делегацияси Совет Иттифоқида ўн олти кун меҳмон бўлди. Шу вақт ичида Англия парламентининг а'золари Москвадан ташқари яна Ленинградда, Сталинградда, Тбилисида, Сочида, Киевда, Свердловскда ва Горькийда бўлдилар. Улар корхоналарни, муассасаларни, ўқув юртларини, колхозларни бориб кўрдилар. СССР ва РСФСР министрлари блан, бирқанча министрликлар ва идораларнинг мас'ул ходимлари блан, корхона ва муассаса раҳбарлари, жамоат арбоблари блан учрашдилар, ишчилар, хизматчилар, колхозчилар блан суҳбат қилдилар.

16 октябрьда лорд Коулрэйн бошчилигидаги Англия парламент делегацияси самолётда Англияга учиб кетди СССР ва Буюк Британия давлат байроқлари блан безатилган Внуков аэродромида англияли меҳмонларни: СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари ва РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг Ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Олий Советининг депутатлари К. А. Гувин, П. Б. Биков, А. Е. Петрушев, Москва совети Ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. И. Бобровников, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг Мудири Е. Д. Киселев, СССР Олий Совети Президиуми канцелярия бошлиғининг ўринбосари Д. К. Константинов, Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти правлениеси раисининг ўринбосари В. Г. Яковлев, Чэт эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти правлениеснинг а'зоси Л. Д. Кислова, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, Чэт эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг мас'ул ходимлари кузатиб қолдилар.

М. П. Тарасов жўнаб кетаётган англияли меҳмонларга мурожаат қилиб, СССР Олий Совети номидан уларга соғ-саломатлик ва хайрли сафар тилади. М. П. Тарасов Англия парламенти а'золарининг Совет Иттифоқига келиб кетиши СССР ва Буюк Британия халқлари ўртасида дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига ҳамда ривожланишига ва ҳамжиҳатлиқнинг кучайишига ёрдам беради, деб умид билдирди.

Лорд Коулрэйн Англия делегацияси Совет Иттифоқи бўйлаб сафар қилган вақтда ҳамма ерда самимият блан яхши кутиб олинганлигини ҳеҳқачон унутмайди деди. У, делегация меҳмондўстлик ва очиқ кўнгил блан кутиб олинганлиги учун ташаккур изҳор қилди. Биз, деди у, бир-бирларимизни яхшироқ билишга интилмоғимиз лозим. Бу эса халқлар ўртасидаги дўстлик ҳисларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Англия парламенти а'золари делегациясини Буюк Британиянинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси У. Хэйтер ва Англия элчихонасининг ходимлари ҳам кузатиб қолдилар. (ТАСС).

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТА'МИНЛАШ УЧУН

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИДА

ПРАГА, 17 октябрь. (ТАСС). Прагада Чехословакия тинчлик тарафдорлари комитети президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисда тўққиз давлат вакилларининг Лондон кенгашидан кейинги халқаро аҳвол муҳокома қилинди. Комитет президиуми Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг Венада чиқарган қарорларини кўриб чиқди ва Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бўладиган сессиясида қатнашадиган Чехословакия делегациясининг состави тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Чехословакия тинчлик тарафдорлари комитетининг президиуми тинчлик тарафдорларининг ҳамма қуйи ташкилотларига Европада тинчликни та'минлашга ва Германия масаласини тинч йўл блан ҳал этишга доир совет таклифларининг моҳиятини ҳамда аҳамиятини тушунтириш соҳасида Чехословакия меҳнаткашлари ўртасидаги ишларни кучайтириб юбориш мажбуриятини юклади.

ЖУРНАЛИСТЛАР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ИЖРОКОМИНИНГ МАЖЛИСИ

БУДАПЕШТ, 16 октябрь. (ТАСС). Кеча бу ерда Журналистлар халқаро ташкилоти (ЖХТ) ижроия комитетининг мажлиси очилди. Ижрокомнинг ишида Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Франция, Финляндия, Германия Демократик Республика, Польша, Чехословакия, Руминия, Болгария, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Венгрия журналистлар ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқда. Австрия, Дания, Чили, Бразилия ва Ҳиндистон журналистлари ҳам иштирок қилмоқда.

Ижроия комитетнинг мажлисини ЖХТ раиси Эрман очди. Ижроком мажлисининг кун тартибидаги асосий масала журналистларнинг халқаро учрашувига тайёргарлик кўриш ҳақидаги масаладир ЖХТ бош секретари Кноблохнинг ва ЖХТ бош секретари ўринбосари Пронининг ҳисобот докладларидан кейин музокаралар бошланди.

АҚШДА ДОВУЛ ОҚИБАТЛАРИ

ЛОНДОН, 16 октябрь. (ТАСС). Лондон радиоси эшитдирган хабарга қараганда, Қўшма Штатларнинг Шарқий соҳилида бўлган довул натижасида 40 га яқин киши ўлган ва мингларча киши бошпанасиз қолган. Довул бирнеча миллион доллар зарар етказган.

Жанубий ва Шимолий Каролина соҳилидаги ўйлар вайрон бўлган ва денгизга олиб кетилган. Бу ўйлардаги аҳоли эвакуация қилинган. Виргиния ва Мериленд штатларга етганда довул яна кучайган. Вашингтонда довул ўйларнинг деразаларини синдирган ва дарахтларни ағдариб ташлаган.

ТАЙВАНЬДА АМЕРИКАНИНГ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ

ПЕКИН, 16 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиришича, АҚШ давлати секретарининг Узоқ Шарқ ишлари бўйича ёрдамчиси Робертсон чанкайшичилар шайкасининг бошлиқлари блан олиб борган музокаралари тамом бўлгандан кейин 14 октябрьда самолётда Вашингтонга учиб кетган.

Хабарларда айтилишича, телеграммада Робертсон Чан Кай-ши блан олиб борган музокаралари вақтида, хабар беришларича, чанкайшичилар шайкасига «Америка томонидан янада кенгроқ ёрдам берилади» деб, шунингдек Америка Қўшма Штатлари хитой халқининг Тайваньни озод қилишга бўлган қонуний ҳуқуқини амалга оширишга қаршилик кўрсатиш ниятида деб ва'далар берилган дейилади. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Америкaнинг бу хил ва'далари АҚШ блан гоминданчилар тўдаси ўртасида «ўзаро хавфсизликни та'минлаш» деган баҳона блан аллақачондан буён тайёрланиб келинаётган икки томонлама ҳарбий пакт блан боғлиқдир.

Маҳаллий кузатучиларнинг та'кидлаб ўтишича, Робертсоннинг баёнотидан шу нарса кўриниб турадики, унинг Тайваньга сафари хоин чанкайшичилар тўдасидан Узоқ Шарқда тинчликка путур етказиш қуроли сифатида фойдаланиб, шу тўдага мадад беришдан иборат америка сиёсатини амалга ошириш мақсадида қилинган.

ВЕНЕСУЭЛАДА ПОЛИЦИЯНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 октябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Каракасдан берган хабарига қараганда, полиция Венесуэла компартиясининг раҳбари Эду Ардо Гальегос Мансеранинг қамоққа олинганлигини э'лон қилган.

Алишер Навоий номидаги халқ кутубхонасида Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигига тайёргарлик юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Кутубхонанинг библиография бўлими республикамизнинг тарихига оид адабиётлар рўйхатини тайёрлади. Бу ерда район кутубхоналарининг мудирлари учун виставкалар ташкил қилиш, докладлар ва китобхонлар конференцияси ўтказиш юзасидан консультацнялар уюштирилиб турмоқда. Болалар адабиёти юзасидан тавсия этилган китоблар рўйхатини тузишда старший кутубхоначи К. С. Вельковская, болалар бўлимининг ходими Шаҳодат Анварова ўртоқлар яхши ишламоқдалар.

Суратда: Куйбишев районидаги 1-нчи кутубхона мудири Т. П. Татаринцева К. С. Вельковская ва Ш. Анваровалар раҳбарлигида Республика юбилейи кунларида кутубхоналарда оммавий-тадбирлар ўтказиш юзасидан тузилган методик қўлланма блан танишмоқда.

В. Салов фотоси.

ҚИШЛОҚ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАР ТУГАРАГИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Республика маданият уйида Тошкент шаҳар меҳнаткашларидан 400 дан ортиқ киши тўпланди. Булар Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқини олган Октябрь районидаги Каганович номли колхознинг бадиий ҳаваскорлар тўгараги а'золарининг концертини тамоша қилиш учун келган эдилар.

Тўгарак а'золари Москвага жўнаш олдидан ўзлари тайёрлаган 30 номерлик концертни Тошкент шаҳар меҳнаткашларига кўрсатдилар. Тамошабинлар концертни зўр хурсандчилик блан тамоша қилдилар ва колхозчи-ҳаваскорларни ижодий муваффақият блан табрикладилар. Октябрь район партия комитетининг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлими мудири ўртоқ Ф. Ортиқова тўгарак а'золарини қизғин табриклади ва уларга район партия комитети ва ижроия комитети номидан ташаккур билдирди.

Ш. КОЕНОВ.

Ўқитучилар коллективининг пахтакорларга ёрдами

Бўка район, Қорақўйли қишлоқ советидаги Навоий номли мактабнинг ўқитучилар коллективи Юсупов номли колхоз пахтакорлари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни намунали йўлга қўйишда колхоз партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқда.

Ўқитучи — агитаторлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР колхозларида ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида»ги қарори юзасидан колхозчилар ўртасида кенг тушинтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ўқитучи-агитаторлардан Афзалов, Қурбонқулов, Тиллаев, Азизова ва Муртазаев ўртоқлар дам олиш кунлари бригадаларнинг дала шийпонларида «Жанговар варақа»лар чиқармоқдалар. Улар дала шийпонларини йиғим-терим мавсумига мувофиқ равишда қайта жиҳозлаш ишида ҳам актив қатнашдилар.

Ўқитучилар «Пахтани сортларга ажратиб териш», «Ўзбекистон ССР 30 йил ичида» деган темаларда, халқаро аҳвол тўғрисида ҳамда партия ва ҳукуматимиз қарорлари юзасидан колхозчилар ўртасида бирқанча суҳбат ва лекциялар ўтказдилар.

Я. ИСМАТОВ.

Юбилейолди тайёргарлик ишлари

Октябрь районидаги болалар кутубхонасида Совет Ўзбекистонининг шонли 30 йиллиги шарафига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Кутубхонанинг ўқиш залида ўзбек совет адабиёти намуналаридан иборат китоб стенди ташкил этилди. Булар орасида Сталин мукофотининг лауреатлари Ғ. Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ҳамда Уйғун каби ёзуви ва шоирларнинг республикамиз меҳнаткашларининг ҳаётини акс этдиручи асарлари бор.

Шунингдек, бу ерда «Социалистик Ўзбекистон», «Ўзбекистон — СССРнинг асосий пахта базаси»деган темаларда фотомонтажлар ташкил этилди. Ёш китобхонлар республикамизда 30 йил ичида турли соҳаларда эришилган ютуқларни кўрсатучи ҳужжатларни зўр қизиқиш блан ўрганмоқдалар.

Кутубхона мудири ўртоқ Умарова китобхонлар ўртасида Ўзбекистон республикаси тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқда.

ИШЧИЛАРНИНГ МАДАНИЙ ДАМ ОЛИШИ УЧУН

Москва районидаги макарон артелининг партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини уюштиришга катта аҳамият бермоқдалар. Яқинда маданий-маиший ишлар учун 23 минг сўм маблағ ажратилди.

Артельда ишчилар кутубхонаси ташкил этилди ва 1000 га яқин сиёсий, бадиий, илмий китоблар келтирилди. Бу китоблардан артельнинг юзларча ишчилари унумли фойдаланаётгирлар.

Шунингдек артель ҳузуридаги клубда илмий-оммабоп темаларда ва халқаро аҳвол ҳақида лекция ҳамда докладлар тез-тез бўлиб туради. Шу йилнинг фақат кейинги ойлари ичида ишчилар учун турли темаларда 8 та лекция ўқиб берилди.

Ўз билимларини оширмоқдалар

Чиноз район халқ маорифи бўлими-ўқув-тарбия ишларига катта аҳамият бермоқда. Бу йил районнинг «Правда» ва Пушкин номли мактабларида ишчи-ёшлар ҳамда катта ёшдаги колхозчилар ўқийдиган кечки ўрта мактаблар очилди.

Ҳозир бу мактабларда 130 дан ортиқ киши ўқимоқда. 10-нчи синфнинг Е. Аҳмедов, Я. Қодиров, Қ. Умирзоқов, Н. Саидов, О. Сигнатуллина каби ўқучилари яхши ва унумли ишларгаки ҳолда мактабга ҳам мунтазам қатнашиб, программадаги материалларни пухта ўзлаштираётирлар.

Кечки мактабда ихтисосли ўқитучилар дарс бермоқдалар.

М. ОРЗИҚУЛОВ, С. МУМИНОВ.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура кундузи 20—26, кечаси 4—10 даража иссиқ бўлади. Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 22—24 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/Х да **Ҳамза** 20/Х да **Қутлуғ қон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 20/Х да **катта цирк тамошалари.** Аттракцион—**«Ўргатилган ҳинд филлари».** Ўргатучи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Корнилов.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, **«ИСКРА», «Ёш ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ»** — инглиз бадиий фильми **Бағдод ўғриси.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли, **«УДАРНИК»** — **Бағдод ўғриси.**

ПУШКИН номли — **Дайди** (2-нчи серия).

ТЕЛЬМАН номли — **Сепли тўй.**

«ХИВА» — **Сицилия осмони тагида.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Швед гугурти».**

Сағбон кўча, 4-нчи тупик, 17-нчи уйда туручи **Шукур Расулевич Расулевнинг** шу уйда туручи Мамлакат Туяковадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими—136, Пропаганда бўлими—157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат—34048, Э'лонлар бўлими—38142

Р, 07574. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1469.